

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВА САДОКАТ МАКСУДОВНА**

**ХОРАЗМ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ОВҚАТЛАНИШИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Маткаримова Садокат Максудовна</b> Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши.....	3
<b>Маткаримова Садокат Максудовна</b> Традиционное питание Хорезмских узбеков.....	37
<b>Matkarimova Sadokat Maksudovna</b> Traditional food of the Khorezm Uzbeks.....	73
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	78

**УРГАНЧДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВА САДОКАТ МАКСУДОВНА**

**ХОРАЗМ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ОВҚАТЛАНИШИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. DSc.Tar/111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Баллиева Руза**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Давлатова Саодат Тиловбердиевна**  
тарих фанлари доктори

**Абдуллаев Улуғбек Сайданович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Бердимуратова Алима Карлыбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими,**  
**Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий**  
**тадқиқот институти**

Диссертация химояси Урганч Давлат университети хузуридаги PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» сентябры куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси 14-уй, Урганч Давлат университети Асосий бино конференциялар зали). Тел.: (99862)224-67-00; Факс: (99862) 224-67-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz) Урганч Давлат университети.

Диссертация матни билан Урганч Давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (А-320 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси 14-уй).

Диссертация автореферати 2021 йил «  » \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «  » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**С.Р.Давлетов,**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Я.А.Каримов,**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий  
котиби, PhD.

**У.И.Абдуллаев,**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолисининг демографик ўсиши ва инсонларнинг табиий ресурслардан ноқилона фойдаланиши оқибатида, сайёрамизнинг айрим худудларида дунёнинг энг глобал муаммолари бўлган очарчилик ва озиқ-овқат етишмовчилиги ареали кенгайиб бормоқда. Айрим давлатларда эса бунинг аксини кўриш билан бирга, тўғри ва хавфсиз овқатланиш муаммоси бош масала бўлиб қолаётганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда инсоният ўзининг танлаш имкониятига таяниб, асрлар давомида шаклланган ва табиий-иқлим шароитига мос бўлган фойдали овқатланиш анъаналарини тобора унутиб бормоқда. Бу эса замонавий овқатланиш рационининг ўзгаришига ҳамда кун сайин бу таомноманинг зарарли ва нотўғри овқатлар билан тўлиб боришига олиб келмоқда. Аҳолининг соғлом ҳаёт кечиришидаги асосий шартларидан бири уларнинг сифатли озиқ-овқат билан таъминланишидир. Шунингдек, маданиятлар вამиллий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодга етказиш мақсадида анъанавий овқатланиш тартиби ва маданиятини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала саналади.

Жаҳон этнологиясида анъанавий овқатланиш маданиятини ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда анъанавий овқатланиш маданияти мавзусининг назарий-методологик асослари, манбашунослиги ва тарихшунослиги, анъанавий овқатларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, уларни тайёрлаш ҳамда истеъмол қилиш билан боғлиқ локал хусусиятлар, озуқа маҳсулотларининг анъанавий овқатланишдаги ўрни ҳамда экологик хусусиятлари каби илмий муаммоларни таҳлил этиш зарурати муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда республикада илмий тадқиқотларни ривожлантириш, айниқса, этнология ва антропология соҳаси тараққиётини таъминлашда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамдагастрономик туризмни ривожлантириш борасида ҳукумат томонидан қабул қилинган муҳим давлат дастурларида белгиланган вазифалар ўзига хос ўринга эга. Республикада этнографик ҳудуд ҳисобланган Хоразм воҳасининг анъанавий овқатланиш маданияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари, таомларнинг этнографик ҳамда илмий асослари, воҳаликларнинг дунё тан олган бренд таомлари ҳамда уларнинг гастротуризм, этнотуризмни ривожлантиришдаги ўрнини чуқур тадқиқ қилиш заруратини туғдиради.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни. 483-1-сон. 30.08.1997. <https://lex.uz/docs/20326>

шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида”<sup>2</sup>ги фармойиши ва “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони<sup>3</sup> ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>4</sup>. Анъанавий овқатланиш мавзуси доирасида тарихий-этнологик тадқиқотлар ва илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва илмий тадқиқот институтлари томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Россия Фанлар Академияси Этнология ва Антропология институти (Москва, Россия), АҚШдаги Блумингтон университети қошидаги Ўрта Осиё институти (Блумингтон, АҚШ), Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (Балтимор, АҚШ), Эскуэл туризм ва меҳмондорчилик университети (Испания), Токио туризм институти (Япония), Марказий Осиё антропологик тадқиқотлар институти (Галле-Цюрих, Германия-Швейцария), Макс Планк номидаги ижтимоий антропология институти (Галле-Заале, Германия), Герда Хенкель фонд (Германия) лари шулар жумласидандир.

Анъанавий таомлар ва овқатланиш маданияти мавзуси бўйича тадқиқотларда аҳамиятга молик қатор илмий натижалар олинган: таомлар тарихи, овқатланиш маданияти, анъаналари ҳамда замонавий трансформация жараёнлари, овқатланиш маданиятининг ижтимоий жараёнлардаги аҳамияти тадқиқ қилинган (Герда Хенкель фонди); Хоразм археология-этнография экспедициясининг фаолияти давомида тўпланган этнографик манбалар асосида альбом тузилган (Россия Фанлар академияси Антропология ва Этнография музейи); гастрономия туризмни шакллантириш хусусиятлари таҳлил этилган (Галле-Цюрих номидаги Марказий Осиё антропологик тадқиқотлар институти); Хоразмнинг *тухум барак* ва *қўтир барак* каби таомлари номоддий маданий мерос элементлари сифатида ЮНЕСКОнинг

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017–2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида”ги фармойиши. / [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ПФ-5611-сон 05.01.2019. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>4</sup> Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи Caroline Eden. The magic of Uzbek winter melons: gifts of rare and strange beauty. <https://www.ft.com/content/f595028a-10aa-11ea-a225-db2f231cfeae>; The Fabled Flatbreads of Uzbekistan Written and photographed by Eric Hansen Stamped with patterns that beautify, identify and aid baking in a clay oven, the flatbreads—non—from the heart of Central Asia make art of one of the world’s most ancient staples. – PP. 32-40; RanoTuraeva. The Role of Food in Identification Process: Examples from Central Asia. – P. 93-103; [Migration and Identity in Central Asia: The Uzbek Experience](https://www.eth.mpg.de/pubs/series_fieldnotes/vol0019.html); Centre for anthropological studies on Central Asia II: Food and Identity in Central Asia [http://www.eth.mpg.de/pubs/series\\_fieldnotes/vol0019.html](http://www.eth.mpg.de/pubs/series_fieldnotes/vol0019.html) Published by Max Planck Institute for social anthropology, Halle (Saale) ва бошқаманбалар асосида тайёрланди.

репрезентатив рўйхатиغا киритилган (ИЧКАП, Жанубий Корея); овқатланишнинг тарихий, диний ва илмий асослари ёритиб берилган (Германиянинг Макс Планк номидаги ижтимоий антропология институти).

Жаҳонда овқатланиш маданияти ва анъаналарини сақлаш ҳамда давом эттириш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: анъанавий овқатланишни этнологик ёндашув асосида ўрганиш, анъанавий овқатланиш маданияти ва идишларини сақлаб қолиш, таомларни пиширишнинг технологик усулларини такомиллаштириш, деҳқончиликнинг анъанавий шаклларини ва унга тегишли озиқ-овқат тизимини сақлаб қолиш ҳамда қайта тиклаш тенденциясини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Анъанавий овқатланиш маданияти, таомларнинг шаклланиши, тайёрланиши ва ўзига хослигини тўлақонли ўрганишда тарихий манбалар, илмий тадқиқотлар ва дала этнографик маълумотлар қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Диссертацияда мавзунинг ўрганилиш даражаси ва тадқиқотнинг методологик асосларидан келиб чиққан ҳолда мавзуга бевосита тааллуқли манба ва адабиётлар тўрт гуруҳга бўлиб тадқиқ қилинди: 1) XX аср бошигача бўлган манбалар; 2) Совет даври тадқиқотлари; 3) Хорижий тадқиқотлар; 4) Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Биринчи гуруҳ адабиётларини XX аср бошигача бўлган тарихий ва ёзма манбалар, этнографик асарлар, археологик материаллар ҳамда Хива хонлигига ташриф буюрган хорижлик элчилар, рус ҳарбийларининг ҳисоботлари, сайёҳ ва савдогарлар, турли касб эгаларининг эсдаликлари ташкил қилади. Уларда келтирилган маълумотлар қисқа тавсифий характерга эга бўлиб, хоразмликларнинг анъанавий овқатланиши тўлиқ акс этмаган ва мавзу тизимли равишда муаммовий таҳлил этилмаган. Шунингдек, ушбу гуруҳга “Авесто” китоби, “Қуръон” ва ҳадислар, Ўрта Осиёлик аллома ва табибларнинг нодир асарлари маълумотлари киритилди.

Иккинчи гуруҳ совет даври тадқиқотларига XX асрдан бошлаб воҳа этнографияси, анъанавий таомлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар акс этган бир қатор махсус тарихий-этнографик ишлар олиб борилган. Шу билан бирга бу даврда этнография фани институционал ривожланганлиги боис анъанавий овқатланиш мавзуси кенг ёритилган. Тадқиқотларда асосий эътибор ҳудудлар ошхонаси ва таомномаси масаласини ўрганишга қаратилган бўлса-да, Хоразм воҳасининг ўзига хос экологик хусусияти ҳамда анъанавий овқатланиши масаласи этнологик аспектда алоҳида ўрганилмаган.

Учинчи гуруҳга оид хорижий тадқиқотчилар ишларининг умумий таҳлили таомлар рационали, тўғри овқатланиш ва улар билан боғлиқ назарияларнинг кўплигини кўрсатса-да, Хоразм воҳаси аҳолисининг анъанавий таомлари ва овқатланиши масаласи махсус илмий муаммо тарзида ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида анъанавий таомлар масаласи ва уларнинг тайёрланиш усуллари монография, рисола сифатида чоп қилинган бўлса-да, бироқ улар асосан, тарихчи, этнограф, филолог, файласуф, маҳаллий ва

хорижий сайёҳлар, китобхон пазандалар учун қўлланма сифатида ёритилганини кўриш мумкин.

Тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида комплекс тадқиқ этилмаган ва унинг локал хусусиятлари тизимли равишда ёритилмаган. Шу боис, мавзуни тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга (тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи бобида батафсил маълумот берилган).

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмийтадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси ва 2018-2020 йилларга мўлжалланган PZ-201709202 сонли “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давлат амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиш маданиятини ҳамда унинг ўзига хос локал хусусиятларини тарихий-этнографик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

–Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, манбашунослиги ва тарихшунослигини ёритиб бериш;

–Хоразм воҳасининг анъанавий таомлари, уларнинг шаклланиш жараёни, турлари ва тайёрлаш усуллари, локал хусусиятларихамда фойдали жиҳатларини асослаш;

–Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий овқатланишининг экологик хусусиятларини очиб бериш;

–Таом тайёрлаш ва тортиш билан боғлиқ уй-рўзгор анжомлари ҳамда озуқа маҳсулотларини сақлашдаХоразм воҳаси аҳолисининг асрий тажрибасини ёритиб бериш;

–Хоразм воҳаси маросимлари, тўй ва оилавий тадбирларида тайёрланадиган таомларнинг моҳиятини таҳлил қилиш;

–Воҳага хос таомланиш этикетини ҳамда асрий анъаналаринианиқлаш;

–Хоразм анъанавий таомларининг таркиби экологик тоза ва хавфсиз маҳсулотлардан иборат эканлигини далиллаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий овқатланиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий овқатланиш жараёнидаги анъанавий ва замонавий кўринишлари, локал хусусиятлари ҳамда овқатланишдаги трансформацион жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий изчиллик, тарихий-қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, кузатув, этносociологик тадқиқот ва фанлараро ёндашув усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий овқатларининг шаклланиши, турлари, уларни тайёрлашнинг қадимий усуллари, анъанавий таомларнинг (*жуян курдик, сиқмон, буламиқ, илдирма, қопширмо, мавши, шилама, қурмуш гўмма* ва бошқалар), қандолатчилик маҳсулотларининг (*нуқул, печак, пешмак, мијсина ҳолва, сочоқ ҳолва, лабзина, ҳолвайтар, ҳай-ҳай, пақлама, қуштили* ва бошқалар)воҳага хос локал хусусиятлари этнологик аспектда очиб берилган,уй-рўзғор буюмларининг (*дуоқ, сусоқ, сўқи, сон, енгса, тир, зогомо* ва бошқалар) номлари этнографик атама сифатида илмий муомалага киритилган ҳамдамазкур соҳада олиб борилган изланишларнинг тизимли базасини яратилишига сабаб бўлган;

Хоразм воҳасининг байрам, сайл(*қизил гул сайли, олма отиш сайли, сумалак сайли, вахшангом, қовун сайли, қовоқ сайли, хирмон тўйи*) ва турли маросимларда тайёрланадиган анъанавий таомлар (*бешоши, тухум қовурдоқ, сутбурунчи, шўрва, палов, қорма, барак*), озиқ-овқатлар билан боғлиқ удум ва анъаналар (*ҳосил олинганда йиғилган хирмондан “кавсан” бериш, энди юрган бола оёқлари орасидан кулча нон думалатиш, келин-куёвларга новвотли сув ичириш*) ҳамда ирим-сиримларнинг (*чақалоқнинг ва суннат қилинган боланинг ёстиғи остига нон, туз қўйиш, қудаларнинг пешонасига ун суртиш,тўй маросимларида дастурхонга фақат жуфт, дафн маросимларида эса озиқ-овқат маҳсулотларини фақат тоқ сондаги идишларда қўйилиши*) аҳоли моддий ва маънавий ҳаётдаги ўрни дала этнографик материаллар орқали асосланган;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий қадриятларни қайта тиклашга оид давлат сиёсати ва туризмни ривожлатиришга бўлган эътибор натижасида Хоразм анъанавий овқат турларини ўрганиш ҳамда уларни бренд таомлар (*сузма палов, юмурта барак, қўтир барак, ушоқ барак, ижжон гўмма, кади сўмса, қорма, сутбурунчи, гўжа, дил, багир, қорин-туёқ, гўштли патир, қизил патир, ижжон, айрон, чакида*) даражасида оммалаштириш мумкинлиги далилланган;

воҳа аҳолиси таомларининг ўзига хос экологик хусусиятлари, уларни тайёрлашдатабиат неъматларидан унумли фойдаланишҳамда озуқа маҳсулотларидан шифо воситаси-дармон сифатида фойдаланиши каби асрий тажрибалариданамалиётда фойдаланишнинг аҳамиятига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Хоразм ўзбеклари анъанавий таомлари ва озуқа маҳсулотларининг воҳа аҳолиси ҳаёти, хусусан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи кечиришда тутган ўрнига оид тажрибаларни ёш авлодга етказишкаби масалаларнинг фанга аниқ йўналтирилган ижтимоий-фалсафий механизми ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тадқиқотда анъанавий овқатланиш маданияти муаммосини фанлар кесимида тадқиқ этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган;

аҳолининг тўғри ва хавфсизовқатланишини таъминлаш ва бу орқалисоғлом турмуш тарзини яратишгадоир тавсиялар берилган ҳамда гастротуризмни ривожлантиришга оид таклифларкиритилган;

тадқиқот давомида йиғилган тарихий-этнографик материаллар, архив ҳужжатларидан олинган маълумотлар ҳамда илмий хулосалар давлат дастурлари ижросини таъминлаш; Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди музейларида экспозициялар ташкил қилиш; “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш” давлат амалий лойиҳасини тайёрлаш; “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ривожлантириш; Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг эшиттиришларини тайёрлаш, Абу Али ибн Сино жамғармаси фаолиятига доир тадбирлар ўтказиш ҳамда олий ўқув юрти талабалари учун қўлланмалар ишлаб чиқишда асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини** ишда этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий манба ва этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, далаэтнографик материаллар, даврий матбуот, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши масаласининг умумлаштирилган услубий ёндашувлар, назарий хулосалар ва дала этнографик маълумотлар шу мавзуда тадқиқот ишларини олиб боровчилар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади ва олий ўқув юрти талабалари учун тарих, этнография, манбашунослик ва маданиятшунослик фанларидан дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқи моддий ва маънавий меросини асраш, бойитиб бориш ва тарғиб қилиш, Хоразм бренд таомлари рўйхатини тузиш ва Ўзбекистонда гастротуризмни ривожлантиришга, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлаш ҳамда интернет орқали ўзбек таомлари билан боғлиқ сайтларни бойитишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Хоразм воҳаси анъанавий таомларининг воҳа аҳолиси ҳаётида тутган ўрни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда озиқ-овқат рационига бўлган эътиборни кучайтиришни кенг тарғиб этиш борасидаги тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Хоразм вилоят бошқармасининг 2019 йил 15 октябрдаги 410-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ўзбек халқининг таом тайёрлаш, уни сақлаш ва тўғри овқатланишга оид урф-одатларини ёшларга ўргатиш, соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда хизмат қилади;

Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий овқатларининг шаклланиши, турлари, уларни тайёрлашнинг қадимий усуллари, анъанавий таомлар, қандолат маҳсулотларининг локал хусусиятлари акс этган тадқиқот натижаларидан “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги 2018-2020 йилларга мўлжалланган PZ-201709202 сонли давлат амалий гранти лойиҳасининг “Хоразмнинг анъанавий таомлари” номли бўлимни ёзишда фойдаланилган (“Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация фаолияти ва технологияларни трансфер қилиш маркази”нинг 2019 йил 15-ноябрдаги 2/30-сонли маълумотномаси) ҳамда лойиҳа доирасида фото-альбом тайёрланган (Хоразмнинг анъанавий таомлари. Альбом. – Москва: Школа науки, 2020). Тадқиқотнинг илмий натижа ва хулосалари Хоразмда, хусусан, Ўзбекистонда, гастрономик туризмни янада ривожлантиришда, сайёҳларга таклиф этиладиган анъанавий бренд таомлар ва уларнинг фойдалилик хусусиятлари билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

Тўғри овқатланиш, табиат неъматларидан унумли фойдаланиш ҳамда озуқа маҳсулотларидан шифо воситаси ва дармон сифатида фойдаланиш каби масалалари акс этган тадқиқот натижаларидан “Ибн Сино ва замонавийлик” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган 63-02/05 сонли “Ибн Сино ва замонавийлик” давлат гранти лойиҳаси маълумотномаси). Шунингдек, давлат амалий гранти лойиҳаси доирасида монография нашр қилинган (“Абу Али ибн Сино – халқ табобати ва замонавий тиббиёт асосчиси” монография. – Урганч: Хоразм, 2020 йил). Тадқиқотнатижалари тарихий ва маданий меросни сақлаш, халқимизнинг озуқа маҳсулотлари ва таомлардан дармон сифатида фойдаланиш юзасидан тажрибаларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишда хизмат қилади;

Хоразм воҳасида ўтказиладиган байрам, сайл ватурли маросимларда тайёрланадиган анъанавий таомлар, озиқ-овқатлар билан боғлиқ удум, анъаналарнинг моҳияти, моддий ва маънавий ҳаётдаги аҳамиятига доир натижалардан фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди Хоразм вилоят бўлимининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17-сонли маълумотномаси ҳамда Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2020 йил 8 сентябрдаги 01-45-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг Хоразм бўлими “Авесто” музейи экспозицияларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий овқатларининг шаклланиши, анъанавий таомлар, турлари, уларни тайёрлашнинг қадимий усуллари, қандолатчилик маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмларининг воҳага хос локал хусусиятлари ёритилган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Муқаддас кўрғон”,

“Дугоналар”, “Болалар ва биз” номли эшиттиришларни (2020 йил февраль-март ойларида) тайёрлашда фойдаланилган (“O’zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 6 июлдаги 04-25-716-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманлар, 4 та халқаро конференция ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, 1 та альбом, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда ва 9 таси республика журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришқисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби *“Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши мавзусини ўрганиш методологияси ва тарихишунослиги”* деб номланиб, унда анъанавий таомлар ва овқатланиш маданияти юзасидан мавжуд назариялар ва концепциялар асосида муаммонинг назарий жиҳатлари ҳамда мавзунинг тарихишунослик таҳлили ёритилган.

Этнологияда овқатланиш (*таомланиш, таом истеъмол қилиш – М.С.*) тушунчаси ижтимоий-маданий ўзига хослик, этник анъана, халқлар моддий маданиятининг асосий таркибий қисми сифатида таҳлил қилинади. Овқатланиш маданияти асрлар давомида шаклланиб, ҳар бир халқ ҳаётининг табиий-ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари билан узвий боғлиқликда, миллий анъаналарни ўзида мужассам этган ҳолда тараққий қилади. Қолаверса, айнан овқатланиш маданиятида халқларнинг миллий ўзига хослиги ҳам яққол намоён бўлади.

Ҳозирда турли халқларнинг овқатланиш маданияти ва анъаналарини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш тарих, этнология ва ижтимоий антропология фанларининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини ўрганишда этнологик ёндашув ошпазлик ёки диетологиядан

фарқ қилади. Соҳага оид мутахассис ва тадқиқотчиларни овқат тайёрлаш технологияси ёки унинг озуқавий қиймати эмас, балки таомларнинг одамлар ўртасидаги муносабат ҳамда ижтимоий ҳаётига таъсири масалалари кўпроқ қизиқтиради. Шунингдек, кишиларнинг нима ейиши ва қандай овқатланиши эмас, балки дастурхон атрофида қандай ўтириши, қайси идишларда овқатланишни афзал кўриши ҳамда улардан қандай фойдаланишлари муҳим ҳисобланади.

Таом учун зарур маҳсулотлар, идиш турлари, қўшимча компонентлар (зираворлар, ошқўклар) мавжудлиги овқатни қайта ишлаш, тайёрлаш, истеъмол қилиш, озиқ-овқат чекловлари ва преференция(афзаллик)лар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар қоидалари овқатланиш тизимини ташкил қилади.

Ҳар қандай таом хоҳ оилавий тушлик, хоҳ маросимий ёки сайёҳатчилартушлиги бўлсин жараён шунчаки қорин тўйдириш эмас, балки, рамзий мазмунга эга ҳаракат – бу маълум бир этник гуруҳ учун анъанавий бўлган ахлоқий ва эстетик хулқ-атвор меъёрларини қабул қилади ҳамда қайси маданий жамоага мансублигини кўрсатади.

XIX аср ўрталарида *эволюционизм, диффузионизм, структурализм, этнологиянинг тарихий Америка мактаби, функционализм, маданий релятивизм* каби янги йўналишлар, концепциялар ва мактаблар вужудга кела бошлади<sup>5</sup>.

Эволюционистик назария тарафдорлари маданиятлар ўзаро ўхшаш шароитлар, мустақил пайдо бўлиши ва ривожланишига оид ғояларига қарши диффузионистлар маълум географик минтақаларда маданий кўринишларнинг пайдо бўлиши ҳамда бир марказдан бошқа ҳудудларга тарқалишига оид ўзига хос илмий қарашдаги ғоялари билан фарқланади. Диффузионизм асосчиси Фридрих Ратцел биринчи марта маданият кўринишларини турли маданий ҳудудлар ва мамлакатлар бўйича тарқалишига эътибор қаратган<sup>6</sup>. Эволюционистларда “маданият кўринишлари мавҳум бўлиб, ўз-ўзидан пайдо бўлади” деган қараш устувор эди.

Таъкидлаш жоизки, моддий маданият таркибий қисмлари бошқа маданият кўринишларига қараганда, ўзининг шакли ва тарқалиш ҳудудини кўпроқ намоён этади. Ф.Ратцелнинг фикрича, халқлар ҳаётида содир бўлган турли хил этноижтимоий ўзгаришлар йўқ бўлиб кетса, маданиятни илмий ўрганишда этнографик ашёларнинг алоҳида ўрни бўлиб, этнографик предметлар қандай бўлса шундайлигича қолади. Хусусан, Хоразм воҳаси аҳолиси анъанавий ошхона буюмлари ва бошқа асбоб-анжомлари (*супра, хўна, йўғич, ўқлов, товох, чоноқ, тикач, дуоқ, сусоқ, сўқи, соп, рапида, енгса, тир, зогомова* ҳк.) ва номланиши бугунги кунгача ўзгаришсиз сақланиб келинаётганлигини кузатиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини моддий маданият ҳодисаси сифатида маълум минтақа мисолида ўрганиш, анъанавий маданият элементларининг

<sup>5</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. – Тошкент, 2007. – Б. 44.

<sup>6</sup> Ф.Ратцел ўз қарашлари ва ғояларини ўзининг “Антропогеография” (1882), “Народоведение” (Т. 1-2. – СПб., 1903) ҳамда “Земля и жизнь: сравнительное землеведение” (Т. 1-2. – СПб., 1903—1906) номли кўп жилдлик асарларида мужассамлаштирган.

умумий географияси, таомлар ва овқатланиш маданиятининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланишига *тарихий, диний, географик, ижтимоий-иқтисодий* омиллар таъсир қилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Анъанавий овқатланиш маданиятига катта таъсир кўрсатувчи омиллардан бири *тарихий омил* ҳисобланади.

XX аср 40-йилларида объектив тарихий жараёнлар туфайли замон талабига мос *миллий автохтонизм концепцияси* ишлаб чиқилди<sup>7</sup>. Унга кўра, Хоразм ўзбеклари анъанавий овқатланишини таҳлил қилиш жараёнида воҳа ошхонасидаги таомлар ва озиқ-овқат номларининг кўп қисми умумтуркий ҳамда эроний тилларга мансублигидан далолат беради. Хусусан, умумтуркий тилдаги: *чўрак, гўжа, талқон, қаймақ, атала, чалпак, кўмач, қайши, бўғирсоқ, гўмма, пўссиқ, қатлама, дўғрама, қовурдоқ, қарма, буламик, ёрма, димлама, қатирмач, сарёғ, қақ балиқ, сутли гўжа*; форс-тожик тилидан ўзлашган: *нон, сомса, палов, шўрва, яхна, машава, барак, чакида, кади шўрва, кади барак* ва бошқа бир қатор таом ва озуқа маҳсулотлари номларини келтириб ўтиш мумкин.

Дунё халқларининг озиқ-овқат маҳсулотлари, таомларни афзал кўриш анъаналари ёки аксинча, овқат чеклови ва таъқиқлар, таомларни тайёрлаш билан боғлиқ анъана ва маросимларни *этник* ва *диний омилларнинг* чамбарчаслигида кўриш мумкин. Жумладан, Хоразм воҳаси аҳолиси ҳаётида овқатланиш билан боғлиқ ўзига хос этикет ва асрий анъаналардан *истеъмолдаги таомнинг ҳалол бўлиши, таомдан олдин ва кейин ҳам қўл ювдирилиши, таомни ўнг қўл билан истеъмол қилиши, таом устида жанжаллашмаслик* ҳолатлари бевосита этник ҳамда диний омил билан боғлиқлиги фикримиз далилидир.

Тадқиқотда овқатланиш маданиятига *географик омил* ҳам катта таъсир кўрсатиб, унда *географик детерменизм* назарияси муҳим ўрин тутиши асосланди. Овқатланиш маданияти тараққиётидаги кейинги ўзгаришлар *ижтимоий-иқтисодий омиллар* натижасида юзага келади ва унинг трансформациясига таъсир этади. Айниқса, Хоразм воҳаси ҳудудида янги этник гуруҳларнинг (славян халқлари, Кавказликлар, Волгабўйи ва Урал атрофлари халқлари) келиб ўрнашиши, чет давлатлар билан олиб борилган ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланганлиги боис турли эрон ва афғон ширинликлари, европа халқлари (рус, немис ва француз)га хос бўлган экин ва сабзавот турларининг кириб келиши ҳам воҳа таомномасида ўзгаришлар юз беришига олиб келган.

Хоразм воҳасига янги озуқа маҳсулотлар (бақлажон, булғор қалампири, ковокчалар, картошка, помидор, редиска, сарсабил, гулкарам, цитрус мевалар) ва янги турдаги идиш-товоқ каби ошхона асбоб-анжомлар (самовар, кастрюль, манти-қасқон, электр чойнак, блендер, иситкич, гўшт қиймалагич, шарбат чиқарувчи турли воситалар, хамир ва сабзавотларни кесувчи, майдаловчи турли хил мосламалар)нинг кириб келиши, янгича усулларда

<sup>7</sup> Миллий автохтонизм концепцияси – маданиятларнинг шаклланишида фақатгина тубжой аҳолиси эмас, кўчиб келган халқларнинг ҳам аралашган маданиятига айтилади. Қаранг: Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии // СЭ. 1947, № 6-7. – С. 304.

овқат тайёрлаш(тез пишириш, димлаб пишириш, буғда пишириш)нинг пайдо бўлиш жараёнлари анъанавий овқатланиш тизимининг трансформациялашувига олиб келди.

XXI аср бошларига келиб ижтимоий ва оилавий овқатланиш жараёнларига дунё ошхонасининг деярли барча машхур таомлари кириб келган. Бугунги кунда асрлар давомида воҳа аҳолиси томонидан истеъмол қилиб келинган анъанавий таом турлари, овқатланиш анъаналари камайиб, улар ўрнини замонавий ва илгари бўлмаган янги услуб, анъана ҳамда одатлар эгалламоқда. Айниқса, овқатланиш шаҳобчалари, кафе ва ресторанларда турк, уйғур, татар, рус, эрон ва дунёнинг кўпгина бошқа халқлари ошхонасига хос бўлган миллий ҳамда европа таомларини истеъмол қилиш ҳам мумкин.

Ҳозирда кундалик овқатланишда таомлар танлови қадимдагидек шароит ва имкониятга эмас, балки оила аъзоларининг хоҳиш ва истакларига асосланганмоқда. Масалан, *буломиқ, атала, ижжон, жуян курдик, гулла сўмса, оланўта гўмма, пақлама, қуштили* каби таом ва ширинликлар, уларнинг анъанавий тайёрланиш услублари унутилиб, йўқолиб бораётган бўлса, *юмурта барак, шивит оши* каби таомларни пишириш эса фақат азиз меҳмонлар шарифига ёки кўпроқ хорижий сайёҳлар учун тайёрланмоқда.

Овқатланишда озиқ моддалар танланиши, уларни қайта ишлаш ва истеъмол қилиш усулларини билиш муҳим бўлиб, турли минтақаларда аҳолининг яшаш ва овқатланиш шароитларини ретроспектив таҳлил қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, узок умр кўриш феномени (ҳодиса)нинг энг муҳим компоненти овқатланиш тизими бўлиб, бошқа сабаблар билан бирга, инсон ва табиат ўртасидаги баъзи махсус экологик муносабатларнинг натижаси бўлиши мумкин. В.И.Козлов таъбирича, озиқ-овқат мажмуаси жуда консерватив бўлиб, этнос ёки этник гуруҳнинг маълум шароитларга экологик мослашишини кўрсатади. Озиқ-овқат мажмуасининг барқарорлиги, биринчидан, иқтисодий фаолият барқарорлиги, иккинчидан, маълум бир этномаданий истеъмол меъёрлари ва учинчидан, этник гуруҳларнинг узок муддатли физиологик мослашуви билан боғлиқ ҳолда кечади.

Овқатланиш маданияти борасида америкалик олима Э.Ричардс таъкидлаганидек, замонавий одамлар ҳам айнан ибтидоий одамлар еган озиқ-овқатлар: ҳайвон гўшти, ўсимликлар, мевалар билан озиқланадилар. Лекин, замонавий одамлар ибтидоий одамлардан фарқли равишда, озиқ-овқатларни дўкон ва бозорлардан сотиб оладилар. Қолаверса, фан-техника жадал ривожланган жамиятда тўғри ва соғлом овқатланиш масаласи янада долзарб муаммога айланиб бормоқда. Зеро, озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати ва овқат тайёрлаш пишириш анъаналарига янги технологияларнинг (генетик модификацияланган маҳсулотлар, сунъий консервант ва озуқалар, фаст-фудлар) жадал суратда кириб келиши соҳадабаҳс-мунозараларнинг кучайишига олиб келмоқда. Ачинарлиси, мазкур “замонавий технологиялар”

анорексия<sup>8</sup>, юракнинг ёғ босиши, ортиқча семириш каби анъанавий касалликлардан ташқари, янгидан-янги, илгари маълум бўлмаган “озик-овқат” касалликларини ҳам келтириб чиқармоқда.

Испаниялик этнографлар Сесилиа Диас Мендес ва Кристобаль Гомес Бенито сўзларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунгача овқатланиш янгича аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат ёки ўзгаришлар жаҳоннинг кўпгина худудларида иккала жаҳон урушлари ва ундан кейинги етар-етмаслик давридан бирданига озиқ-овқат тўкин-сочинлигига ўтилиши ўз навбатида овқатланиш анъанаси ҳамда маданиятида ўз аксини топган<sup>9</sup>. Овқатланишдаги бундай тўкин-сочинлик ва ижтимоий трансформация “яхши овқатланиш” деган тушунчанинг ўзгариши, соғлом ҳамда тўғри овқатланиш одатларининг бузилишига олиб келди. П.Бурдые овқатланиш тизимида аҳолининг турмуш тарзи ва истеъмоли жамиятнинг ижтимоий-тоифавий тузилиши билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги назарияни илгари сурган<sup>10</sup>.

Умуман олганда, муаммони ўрганишда назарий-услубий жиҳатларига таянган ҳолда *эволюционизм, диффузионизм, структурализм, географик детерминизм* тизимли ёндашувлар асосида тадқиқотнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинди. Ўрганилаётган тадқиқот давомида Хоразм воҳаси аҳолиси анъанавий овқатланиши маданияти ўзига хос ўзгаришларга учраган бўлса-да, бугунги кунда маълум трансформацион жараёнларда анъанавийлигини акс эттиришини ҳам кузатиш мумкин.

Мавзу тарихшунослиги таҳлилига кўра, Хоразм воҳасида овқатланиш маданияти ва у билан боғлиқ анъана, маросимлар ҳақида маълумотлар илк бор “Авесто”да инсонлар тановвул қилиши керак бўлган таомларнинг мумкин бўлган (яхши) ёки мумкин бўлмаган (ёмон) турлари ҳақида маълумотлар қайд этилган. Хусусан, энг яхши таомларга *нон, буғдой* ёки бошқа *донли озиқ-овқат маҳсулотлари, сут ва сутли маҳсулотлар ҳамда сабзавотва мевалар* кирган<sup>11</sup>. “Авесто”да гўштли маҳсулотлар ёмон таомлар жумласига кириб, фақат *қушлар* ва *балиқлар* гўштини истеъмол қилиш мумкин бўлган<sup>12</sup>.

Тўғри ва сифатли овқатланиш ҳақидаги билимлар Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Исмоил Журжоний ва Абулғози Баҳодирхоннинг асарларида кенг ёритилган. Масалан, Абу Али ибн Сино касалликларнинг пайдо бўлишида ички ва ташқи муҳитнинг таъсири ва табиий тўғри овқатланиш борасидаги маълумотлар келтирса, Абу Райхон Беруний қадимий маросимлар, байрам ва сайлларда истеъмол қилинадиган таомлар (*ёғли патир, юнқа нон, Наврўз гўжа* ва ҳ.к) хусусида маълумот беради. Ўз

<sup>8</sup> Анорексия – бутунлай иштаҳанинг йўқолиб кетиши билан боғлиқ равишда ўта ориқлаб кетиш. Қаранг: Носкова А.В. Питание: методологические подходы к исследованию и повседневные практики // Вестник МГИМО. – 2014. – №6 (39). – С. 210.

<sup>9</sup> Méndez C., Benito C. Food and Health in Modern Societies / Food, Consumption and Health // Social Studies Collection, № 24. Режимдоступа: [http://obrasocial.lacaixa.es/deployedfiles/obrasocial/Estaticos/pdf/laCaixaFoundation/vol24\\_en.pdf](http://obrasocial.lacaixa.es/deployedfiles/obrasocial/Estaticos/pdf/laCaixaFoundation/vol24_en.pdf). – С. 11-13.

<sup>10</sup> Бурдые П. Различение: социальная критика суждения/ пер. с фр. О. И. Кирчик // Западная экономическая социология: хрестоматия современной классики. – М.: РОС-СПЭН, 2004. – С. 537–565.

<sup>11</sup> Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 86.

<sup>12</sup> <https://www.zoroastrian.ru/avesta/videvdat>. Яна қаранг: Маковельский. А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 86.

даврида Маҳмуд Қошғарий 80 дан ортиқ таом ҳамда масаллик номлари тўғрисида ёзиб қолдирган<sup>13</sup>.

Шунингдек, Хива хонлигига ташриф буюрган хорижлик элчилар, рус харбийлари ҳисоботлари, сайёҳ ва савдогарлар ҳамда турли касб эгаларининг эсдаликлари ва маълумотлари муҳим манба ҳисобланади<sup>14</sup>. Хива хонлиги даврида яшаган маҳаллий аҳолининг анъанавий таомлари, озиқ-овқат маҳсулотларига оид мулоҳазалар берувчи тадқиқотлар ҳам учрайди<sup>15</sup>. Хусусан, Н.Н.Муравёв ва Л.Костенко Хивада етиштириладиган энг ширин *қовун-тарвуз*, *узум* ва турли *мевалар*нинг мақтови ҳамда воҳа таомларига тўхталса, П.И.Небольсин Хива хонлиги ошхонасига хос айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган<sup>16</sup>.

Савдогар Абросимов *Хоразм палови* ўша даврда ҳам худди ҳозирги кундагидек тайёрланиб, аҳоли уни севиб истеъмол қилганлигини ёзиб қолдирган<sup>17</sup>. Хиванинг қуруқ мевалари Россияга қилинадиган асосий экспорт маҳсулотларидан ҳисобланиши америкалик журналист Януарий Алоизий Мак Гаханмаълумотларида келтирилган<sup>18</sup>. Венгер сайёҳи А.Вамбери ҳам “Хива мевалари шу қадар яхшики, уларга ўхшашини нафақат Эрон ва Туркияда, балки бутун Европада ҳам топиш қийин. *Ҳазораспнинг олмалари*, *Хиванинг нок* ва *узумлари* ва узок Пекингача машҳур бўлган бекиёс ажойиб *қовунлари* таҳсинга лойиқ”, - деб ёзган<sup>19</sup>.

Бундан ташқари, Эрон элчилари Муҳаммад Алихон Ғофур ва Мирзо Ризоқулихон Ҳидоят, Эрон генерали Исмоилхон Мирпанжийнинг эсдаликлари<sup>20</sup>, рус тадқиқотчиси А.Н.Самойлович келтирган Хиванинг 90 га яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқат номлари<sup>21</sup> ҳам таҳлилга тортилди.

XX асрда воҳа этнографиясини ўрганган К.Л.Задыхина Қуйи Амударё хавзаси, яъни жанубий Хоразм худудида яшовчи ўзбекларнинг анъанавий

<sup>13</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девони луғатит турк (С.Муталлибов таржимаси асосида). – Тошкент, 1-жилд 1960 йил, 2-жилд 1961 йил, 3-жилд 1963 йил.

<sup>14</sup> Хорошхин А.Н. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края (ежегодник). Вып. IV. – СПб., 1876; Каульбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // ЗРГО по отделу общей географии. Кн.9, 1881; Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // Известия Императорского русского географического общества. Т. 10. – СПб., 1874. – С. 47-58; Ўша муаллиф. От Хивы до Кунграда // Материалы для статистики Туркестанского края (ежегодник). – С. 203-271.

<sup>15</sup> Ибрагимов Ш.М. Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах // Военный сборник. – СПб, 1873. – С.133-163; Чернышевский М.Н. Самобытный край, добрый народ // Хорезмская правда. 26 дек. 1992; Гиршфельд В.А., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса // Туркестанский сборник. Т. 29. – Т., 1903. Ч. II. – С. 54-106.

<sup>16</sup> Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. – М., 1822. Ч. I. – 179 с.; Ч. II. – 144 с.; Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии). – СПб., 1856. – 370 с; Костенко Л. Город Хива в 1873 году. – СПб, 1874. – С. 334.

<sup>17</sup> Рассказ торговца Абросимова о поездке его в Хиву (50-е годы XIX в.) // История Узбекистана в источниках. – Тошкент: Фан, 1990. – С. 92.

<sup>18</sup> Mac Gahan J. A. Campaigning on the Oxus and the Fall of Khiwa. – London, 1874.

<sup>19</sup> Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С.160.

<sup>20</sup> Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундаликлари (Эрон элчисининг хотиралари. XIX аср). – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 147-150; Исмоил Мирпанжи. Асирликдаги хотиралар. – Урганч: Хоразм, 1997. – Б. 61.

<sup>21</sup> Қўлёзма 90 варақдан иборат бўлиб, Санкт-Петербургдаги Салтыков-Щедрин номи Давлат публицистик кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида 671 фонд № 125 дело билан сақланмоқда. Хоразм Маъмур академиясининг катта илмий ходими А.Абдурасулов ушбу қўлёзмадан нусха кўчириб келган.

хўжалигини ёритган бўлса, М.В.Сазонова воҳанинг жанубий ҳудудида яшовчи аҳоли таомлари ва овқатланиш маданияти ҳамда воҳа ўзбекларининг кундалик турмушида ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ этган<sup>22</sup>. Муаммони этнографик нуқтаи-назардан қиёсий таҳлил қилишда О.А.Сухарева, А.Н.Жилина<sup>23</sup> ва муаммонинг назарий-методологик жиҳатларини ёритишда С.А.Токарев, С.А.Арутюнян, Н.Л.Жуковскаяларнинг ишларидан ҳам унумли фойдаланилди<sup>24</sup>. Шунингдек, ўзбекларнинг моддий маданияти, хўжалиги, анъанавий таомлари ҳақида маълумотлар берувчи К.Ш.Шониёзов<sup>25</sup> ва ўзбек халқининг миллий таомлари, уларни тайёрлаш технологияси билан боғлиқ асбоб-анжомлар, уларнинг турлари ҳақидаги И.М.Жабборов тадқиқотларидан ўринли фойдаланилди<sup>26</sup>.

Г.П.Снесарев воҳамаросим ва тўйларида тайёрланадиган таомлар, улар билан боғлиқ расм-русум ва урф-одатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтган<sup>27</sup>. Хоразм воҳаси ўтроқ аҳолисининг анъанавий хўжалиги, урф-одат ва маросимлари ҳамда унда пишириладиган таомлар ҳақида Н.П.Лобачева асарларида қимматли маълумотлар келтирилган бўлиб, тадқиқотда улардан кенг фойдаланилди<sup>28</sup>.

Хоразм воҳасида тайёрланадиган ва истеъмол қилинадиган *таом номлари, мева ва сабзавот, балиқ ва қушлар, уй-рўзгор буюмларининг шевага хос номлари* Ф.А.Абдуллаев ишида батафсил ёритилган<sup>29</sup>.

Ўзбек таомларининг йил фаслларига қараб тайёрланадиган турлари ҳамда унутилаётган баъзи таомларнинг тайёрланиши К.Маҳмудов<sup>30</sup>, ўзбек

<sup>22</sup> Задыхина К.Л. Узбеки дельти Амударии // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1952. – Т. 1. – С. 319-427; Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков южного Хорезма. – Ташкент, 1967. – С. 52-53.

<sup>23</sup> Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. – Ташкент, 1962. – 194 с.; Ўша муаллиф. Бухара XIX – начала XX в. – М.: Наука, 1966. – 328 с.; Жилина А.Н. Современная материальная культура сельского населения Ташкентской области Узбекской ССР // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 121-145.

<sup>24</sup> Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., 1964. – 400 с.; Ўша муаллиф. К методике этнографического изучения материальной культуры // Этнографическое обозрение. 1970. № 4// <http://journal.iea.ras.ru/archive/1970s/>; Этнография питания народов стран зарубежной Азии: Опыт сравнительной типологии. // Отв. ред. С.А. Арутюнян. – М.: Наука, 1981. – 256 с.; Жуковская Н.Л. Мир традиционной монгольской культуры. USA: TheEdwinMellenPress, 2000. – 305 с.; Веселов Ю. В., Цинь Ц. Процессы глобализации питания: взаимное влияние культур запада и востока // Здоровье и образование в XXI веке. 2016. № 9. – С. 135–141.

<sup>25</sup> Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., 1972. – С. 96-118; Ўша муаллиф. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 188-193; Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. – Ташкент, 1981. – С. 105-123.

<sup>26</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л.: Наука, 1971. – С. 72-146.

<sup>27</sup> Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.; Ўша муаллиф. К вопросу о происхождении празнества суннат-той в его среднеазиатском варианте // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. Т. 3. – С. 256-272.

<sup>28</sup> Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. – М.: Наука, 1975. – 140 с.; Ўша муаллиф. К истории сложения института свадебной обрядности // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1978. – С. 144-175; Ўша муаллиф. К истории календарных обрядов у земледельцев Средней Азии // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С. 6-30.

<sup>29</sup> Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: ЎзССР ФА, 1961.

<sup>30</sup> Маҳмудов К. Мучные блюда узбекской домашней кухни. – Ташкент, 1963. – 103 с.; Ўша муаллиф. Узбекский плов. – Ташкент: Узбекистан, 1979. – 112 с.; Ўша муаллиф. Нон ризк-рўзимиз. – Т., 1988. – 23 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент, 1989. – 352 б.; Ўша муаллиф. Қизиқарли пазандалик. – Т.:

нонлари учун керакли масалликлар, хамир қилиш ва нон ёпиш усуллари ҳамда таом тайёрлаш усуллари баён этилган Г.М.Маҳкамов ишларидан қиёсий ўринларда фойдаланилди<sup>31</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хоразм этнографиясига оид ишлар кўпайиб, туркман, қорақалпоқва қозоқ халқлари таомларининг умумий ва фарқли жиҳатлари ўрганилди<sup>32</sup>. Кейинчалик тожик ва қирғиз халқлари анъанавий таомлари ҳақидаги ишлар пайдо бўлди<sup>33</sup>. Бироқ, ушбу тадқиқотларда воҳа аҳолиси таомланиш маданиятига оид фикрлар кам учрайди.

Бу даврда яратилган тарихий-этнографик йўналишдаги тўплам ва журналлармақолаларидан ҳамфойдаланилди<sup>34</sup>. Таомларнинг номланишига доир қатор луғатлар маълумотларидан 270 га яқин таом номларига аниқлик киритилди<sup>35</sup>.

Жаҳондаги турли халқлартаомлари ва урф-одатларига бағишланган тадқиқотлардан, хусусан, Европа халқларининг таомлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари ёритилган Н.П.Джикия, Н.М.Листова, О.А.Соловьева ишлари мавзунини ёритишда муҳим аҳамият касб этди<sup>36</sup>. Чой ичиш билан боғлиқ удумлар В.В.Хохлачев ва С.Н.Абашин ишларида келтирилган<sup>37</sup>.

---

Ўқитувчи, 1995. – 224 б.

<sup>31</sup> Маҳкамов Г.М., Погосянц А.И., Свинкин С.Н. Ўзбек нонлари. – Тошкент, 1961. – 69 б.

<sup>32</sup> Василева Г.П. Преобразование быта и этнические процессы в северном Туркменистане. – М.: Наука, 1969. – 390 с.; Винников Я.Р. Хозяйство, культура и быт сельского населения Туркменской ССР. – М.: Наука, 1969. – 312 с.; Оразов А. Ритуальная пища туркмен // Материалы по исторической этнографии туркмен. – Ашхабад, 1987. – С. 30-46; Бердиев М.С. Трансформация традиционной системы питания туркмен в наши дни // СЭ. – М., 1985. – № 1. – С. 88-98; Ўша муаллиф. Традиционная похоронно-поминальная трапеза туркмен // Проблемы истории и этнографии советских и зарубежных туркмен. – Ашхабад, 1990. – С. 192-208. Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. К истории взаимоотношений народов Каракалпакии в XVIII – XX вв. – Ташкент, 1966. – 336 с.; Аргинбаев Х. Народные обычаи и поверья казахов связанные со скотоводством // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 194-205.

<sup>33</sup> Андреев М.С. Таджики долины Хуф (верховья Аму-Дари). – Сталинабад: АН Тадж.ССР, 1958. Вып. 11. – 524 с.; Ершов Н.Н., Кисляков Н.А., Пешерева Е.М., Русяйкина С.П. Пища. // Культура и быт таджикского колхозного крестьянства. – М., Л., 1954. – С. 152-160; Хамиджанова М.А. Пища. // Материальная культура таджиков верховьев Зеравшана. – Душанбе, 1973. – С. 138-181; Троицкая А.Л. Некоторые старинные обычаи поверья таджиков долины верхнего Зеравшана // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. – С. 224-255; Мардонова А. Свадебные торжества у таджиков Файзабада // История и этнография народов Средней Азии. – Душанбе, 1981. – С. 106-122; Айтбаев М.Т. Пища киргизов XIX – начала XX веков // Известия АН Кирг. ССР. – Фрунзе, 1963. Вып. 1. – С.14-19.

<sup>34</sup> Гонтар Т.А. Посуда и домашняя утварь карпатских украинцев в конце XIX – первой четверти XX вв. // Советская этнография. – М., 1978. – № 4. – С. 88-98; Бгажников Б.Х. Традиционное и новое в застольном этикете адигских народов // Советская этнография. – М., 1987. – № 2. – С. 89-100; Бабенко В.Я. Пища украинского населения Башкирии // Советская этнография. – М., 1989. – № 2. – С. 94-104; Григулевич Н.И. Этноэкологическое исследование локальных пищевых комплексов русских старожилов Армении // Советская этнография. – М., 1990. – № 1. – С. 114-125.

<sup>35</sup> Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1988. – 726 б; Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили (Қорақалпоғистон ҳудуди материаллари асосида). Филология фанлари номзодлиги учун дис. Автореферати, 2008. – Б. 20.

<sup>36</sup> Джикия Н.П. Культура питания грузинских горцев (по этнографическим материалам). – Тбилиси: Мецниереба, 1988. – 135 с.; Тапиров В.Н. Еда // Мифы народов мира. – М., 1980. Т. 1. – С. 427-429; Савуров М. Дўнгон таомлари. – Т., 1989. – Б. 8-16; Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983. – С. 161-173; Соловьева О.А. К вопросу о роли плова как знака власти // Лавровские (Среднеазиатско-Кавказские) чтения, 1998–1999 гг. – СПб., 2001. – С. 41–43;

<sup>37</sup> Хохлачев В.В. Чой ҳақида. – Т., 1991. – 168 б; Абашин С.Н. Чай в Средней Азии: История напитка в XVIII – XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М., 2001.

Шунингдек, кишиларнинг моддий маданияти, хўжалик фаолияти, дон ва нонга бўлган эътиқод масалаларини машҳур инглиз диншуноси Ж.Фрезер ёритиб берган<sup>38</sup>.

Мустақиллик даври адабиётларида овқатланиш анъаналари, овқатланиш билан боғлиқ маросимлар, соғлом ва тўғри овқатланишнинг назарий жиҳатлари К.Ш.Шаниязов, И.М.Жабборов, А.Асқаров, У.С.Абдуллаев, А.А.Аширов, Г.Ш.Зунунова, Р.Р.Назаров ва бошқалар ишларида акс этган<sup>39</sup>.

Хоразмда кенг истеъмол қилинадиган 50 та таом тури, уни тайёрлаш усуллари билан бирга кимёвий таркиби Б.А.Дўстжонов рисоласида келтирилади<sup>40</sup>. М.Т.Жуманиёзова, Ў.И.Абдуллаев ва Б.М.Абдримовларнинг воҳа анъанавий таомларининг турлари ва тайёрланиши ёритилган ишларидан унумли фойдаланилди<sup>41</sup>.

Мустақиллик йилларида этнология соҳасида муаммони ўрганишга доир қатор ишлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари (Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Сурхон воҳаси) аҳолиси моддий маданияти, анъанавий таомлари, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, маросимий таомлар муҳим ўрин тутган халқ эътиқодлари акс этган тадқиқотлардан ўрганилаётган муаммонинг методологик асослари ҳамда қиёсий жиҳатдан ёритишда фойдаланилди<sup>42</sup>.

Мавзунини ёритишда фанлараро ёндашув услубига кўра археолог, тилшунос ва фолклоршуносларнинг тадқиқотларига ҳам мурожаат қилиниб, воҳа аҳолиси ижтимоий ҳаётида таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлар ҳамда уларни генезисига оид маълумотлар тадқиқ этилди<sup>43</sup>.

<sup>38</sup> Фрезер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. – Москва, 1983. – 703 с.

<sup>39</sup> Шаниязов К.Ш. Одежда и пища // История Узбекистана. Т. 3. (XVI - первая половина XIX века). – Т.: Фан, 1993; Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX-начале XX в. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л.: Наука, 1971. – С. 72-146; Ўша муаллиф. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 207 б; Абдуллаев У.С. Этноческие и иноэтнические элементы в узбекских традиционных блюдах // Межэтнические процессы в Ферганской долине. – Ташкент, 2005. – С. 112-142; Аширов А.А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины). Автореф.дисс. д.и.н. – Т., 2008; Зунунова Г.Ш. Этнические процессы в материальной культуре // Этнокультурные процессы в современном поликультурном городе (на материалах Ташкента). – Т., 2011; Зунунова Г.Ш., Назаров Р.Р. Трансформация пищи в современный период // Узбеки. – М.: Наука, 2011. – С. 337. – 341 с.; Назаров Р.Р., Юнусова Д.М., Алиева В.Р. Трансформация традиционной системы питания населения Узбекистана в XX веке // VI Конгресс этнографов и антропологов России. – СПб.: МАЭ РАН, 2005.

<sup>40</sup> Дўстжонов Б.А. Хоразм таомлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 88 б.

<sup>41</sup> Жуманиёзова М.Т., Абдуллаев Ў.И., Абдримов Б.М. Хоразм анъанавий таомлари тарихидан. – Тошкент: YANGI NASHR, 2015. – 128 б.

<sup>42</sup> Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Тошкент, 1994. – 140 б; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент: Мерос, 1996. – 144 б.; Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993. – 221 б.; Арифханова З.Х. Современная жизнь традиционной махалли Ташкента. – Ташкент, 2000. – 30 с.; Ўша муаллиф. Тошкент ўзбекларининг озиқ-овқати // Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 104-113; Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. – Ташкент, 2006. – 92 с.; Зунунова Г.Ш. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков // Ўзбекистон тарихи. – Ташкент, 2002. – № 1. – С. 72-78; Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 216 б; Файзуллаева М.Х. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). – Тошкент: YANGI NASHR, 2010. – 160 б.

<sup>43</sup> Асқаров А.А. Археологические материалы по истории земледелия в Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 95-101; Ўша муаллиф. Ўзбек

Тарихшунослик таҳлиliga кўра, XX аср бошигача бўлган ёзма манбалар, тарихий ва этнографик асарлар қисқа тавсифий характерга эга бўлиб, унда Хоразм воҳаси аҳолисининг анъанавий овқатланиши масаласи тўлиқ акс этмаганлиги очиб берилган. Совет даврида этнография фани институционал ривожланганлиги боис анъанавий овқатланиш мавзуси кенг ёритилди. Бу даврда тадқиқотчилар томонидан турли ҳудудлар ошхонаси ва таомномаси масаласи ўрганилган бўлса-да, Хоразм воҳаси аҳолисининг овқатланиш маданияти ва унинг ўзига хос экологик ҳамда локал хусусияти этнологик аспектда алоҳида ўрганилмаганлиги таҳлил қилинган. Хорижий тадқиқотчилар изланишларининг умумий таҳлили таомлар рационали, тўғри овқатланиш ва улар билан боғлиқ назарияларнинг кўплигини кўрсатса-да, уларда воҳа аҳолиси анъанавий таомлари, турлари, тайёрланиши ва фойдалилик хусусиятлари ҳамда овқатланиш маданияти этнологик жиҳатдан махсус муаммо тарзида ўрганилмаганлиги кўрсатиб берилган. Ўрганилган тадқиқотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида комплекс тадқиқ этилмаган ва унинг локал хусусиятлари тизимли равишда ёритилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби “*Хоразм воҳаси анъанавий таомларининг тайёрланиши: урф-одат ва расм-русумлар таҳлили*” деб номланиб, воҳада донли маҳсулотлар ва ундан тайёрланадиган таомлар, уларни истеъмол қилишнинг маҳаллий хусусиятлари, гўшт ва сутдан тайёрланадиган таомлар билан боғлиқ расм-русумлар ҳамда қандолат маҳсулотлари, турли шарбатлар тайёрлаш анъаналари таҳлилга тортилган.

Воҳада донли маҳсулот ва ундан асосаннинг: *чўрак, улли нон, кадили (ошқовоқли) нон, гашир (сабзили) нон, зогора нон* ва бошқа турлари тайёрланади. Улардан бири *чўрак* қорақалпоқ тилида *шөрөк*, туркман тилида *чўрек*, қирғиз тилида *чурек* шаклида қўлланилиши аниқланди. Хоразмда энг кўп тайёрланадиган яна бир нон тури *улли нон* Туркменистон ва Қорақалпоғистондаги ўзбеклар яшайдиган ҳудудларида ҳам учраши ва оила аъзоларининг ёши, хоҳиши ҳамда овқат турига қараб истеъмол қилиниши таҳлил қилинди. Жўхори ундан тайёрланадиган *зогора нони* озуқаларга бой ва асосан, қандли диабет касаллигида тавсия қилинади. Зоғора нон хазм бўлиши қийинлиги сабаб асосан қиш ойлари тайёрланган. Лекин ҳозирда бу нон камдан кам истеъмол қилинади.

Хоразмда буғдой унига қовоқ, сабзи қўшиб тайёрланадиган нон *кадили нон* ва *гаширли нон* деб номланади<sup>44</sup>. Воҳада *патир* арабча *ал-фатир* сўзидан олинган бўлиб, “оширилмаган, кўптирилмаган” деган маънони билдиради<sup>45</sup>. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд патирларидан фарқли равишда, Хоразм патири оширилмаган хамирдан қилинади. Патир ҳақида дастлаб

---

халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 339 б.; Икромов Н.М. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989. – 68 с.; Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Ташкент: Фан, 1991. – 119 б.; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 213 б.; Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 2008. – 291 б.

<sup>44</sup> Дала ёзувлари. Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғи. 2018 йил.

<sup>45</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. III жилд., 2007. – Б. 237.

“Авесто”да “хамиртурушсиз, бир парча оқ нон дрвана” номи билан тилга олинган<sup>46</sup>. Бугунги кунда воҳада патирнинг помидор солиб қориладиган тури *қизил патир*, гўштли қийма солиб тайёрланадигани *этли патир* ва қиймани хамир қорганда *ичига солинадиган*, тайёр хамир ёйилиб *ичига қийма солиб ўраб, қайта ёйиб ёпиладиган* турларини кўп тайёрланиши социологик сўровномалар натижасида аниқланди.

Шунингдек, воҳада *қатлама*, *бўғирсоқ*, *пўссиқ*, *таъва*, *чалпак* каби нон маҳсулотлари ҳам бўлиб, асосан, бирор тадбир ёки маросимда тайёрланса, хамир орасига пиёз солиниб, қат-қат қилинган *пиёзли қатлама* кундалик таом сифатида тайёрланади. *Қатлама* эски ўзбек тилида “қават”, “тахлам” маъносини англатиб, Маҳмуд Қошғарий луғатида *қатма*<sup>47</sup>, Алишер Навоий асарларида *қатлама*<sup>48</sup>, “Келурнома”да *қатлама*<sup>49</sup> тарзида берилган ва у Ўрта Осиё халқларининг кўпчилиги томонидан истеъмол қилиниб, ўзбек адабий тилида *қатлама*, *юққа* номи билан, туркман тилида *гатлама*, водийлик туркларда *чевати*, курамаларда *юқма* деб аталган.

Воҳада қадимдан то ҳозирги кунгача тайёрланиб келинаётган *бўғирсоқ* буғдой унидан ромб шаклида бўлиб, ҳосилдорлик рамзи ҳисобланади<sup>50</sup>. Хоразмлик аёллар бўғирсоқни хавф-хатардан фориғ бўлиш, садақа қилиш, зиёрат амалларини бажариш учун, янги фарзанд дунёга келганда, болалар хатна қилинганда, байрам, сайл ва турли урф-одат, маросимларда тайёрлашган ҳамда кўни-кўшниларга тарқатишган. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида ҳам бўғирсоқ ромб шаклида, Тошкент ва Фарғона водийси туманларида эса думалоқ ёки тўртбурчак шаклда тайёрланади<sup>51</sup>. Қорақалпоқларда тўйдан олдин икки қоп ундан бўғирсоқ пишириладива бу тадбирда “кепкир кўйди” расм-русуми катта хурсандчилик билан ўтказилади. Қорақалпоғистонда дафн маросимларида кўни-кўшнилар биргаликда бўғирсоқ пиширишиб, дастурхонга тортишади<sup>52</sup>. Воҳадаги нон маҳсулотларидан *пўссиқ* умумтуркий тилдан келиб чиққан бўлиб, қадимдан то ҳозиргача тайёрланади ва шу номда қўлланилиб келинади. Бундан ташқари, воҳада кўриниши блинчикка ўхшайдиган нон маҳсулоти ҳам бўлиб, у *таъва* дейилади. *Чалпак* номи ҳам умумтуркий тилдан олинган бўлиб, республиканинг айрим ҳудудларида *юққа* ёки *чўзма* номлари билан юритилади<sup>53</sup>.

Хоразм воҳасида хамирдан тайёрланадиган анъанавий таомлар қаторига *уноши*, *шивит оши*, *сиқмон*, *қурдик* кабилар кириб, бу таомлар республиканинг турли ҳудудларида ўзининг тайёрлаш услуби, ҳудудий ўзига хослиги ва номланишига кўра фарқланади. Масалан воҳада тайёрланадиган *уноши* таоми турк этник гуруҳлари *шулла*, форсийзабон тожиклар *оши угро*,

<sup>46</sup> Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 319.

<sup>47</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девоу луғотит турк...Т.I. – Б. 140.

<sup>48</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати... – Т. IV. – Б. 22.

<sup>49</sup> Чингий М.Ё. Келурнома... – Б. 92.

<sup>50</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари... – Б. 220.

<sup>51</sup> Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков... – Б. 108.

<sup>52</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний маҳалласи Бўстон кучаси. 2020 йил.

<sup>53</sup> Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков... – Б. 108.

Юқори Зарафшон тожиклари *оши тўппа*, фарғоналиклар *ун оши*<sup>54</sup>, Юқори Туркменистон аҳолиси *унаш*<sup>55</sup> деб аталиши билан ҳам фарқланади. Уноши таоми Сурхондарёда “*беморнинг касаллиги кесилсин*”, Фарғона водийсидаги баъзи қишлоқларда “*ўликнинг изи кесилсин*” деган мақсаддатайёрланган бўлса<sup>56</sup>, Хоразмда чақалоқ туғилганига беш кун бўлганда, “*умри шу уноши толасидай узун бўлсин*” деган ният билан тайёрлаб, қўни-қўшнига тарқатилади.

Анъанавий таомлардан *шивит оши* аҳолининг кўп миқдорда шивит истеъмол қилиши билан боғлиқдир. Қадимий таомлардан яна бири *сиқмон* бўлиб, юмшоқ хамирни шўрвага қўл панжаси орасидан сиқиб чиқарилиб солингани учун шундай ном билан аталади ҳамда жўхори унидан кўп ишлов берилган хамирдан тайёрланиб истеъмол қилиб келинади.

*Курдик таомининг* жўхори унидан тайёрланадиган *жуян курдик*, буғдой унидан тайёрланадиган *узма курдик* ва *қайиш курдик* каби турлари мавжуд. *Жуян курдик* – *узма жуян курдик* деб ҳам аталиб, шўрвага узиб солингани учун шундай номланган, қорақалпоқларда ҳам жўхоридан курдик таоми пиширилиб, *у жўуери гуртик* деб номланади. Буғдой унидан тайёрланадиган курдик эса, *узма*, *утма* ёки *узма курдик* деб ҳам номланади, *қайиш курдикнинг* хаамири эса, юпқа ёзилиб, тўртбурчак шаклда кесилади ҳамда шўрва пишгач, солиб қайнатилади ва тезда тайёр бўлади. Қайишнинг қайнаган сувда пишириб олиб, оқлаб, устига қайла солиб тайёрланадиган тури ҳам бўлиб, *у қатиқа қайиш* ёки *оқли қайиш* деб номланади<sup>57</sup>, бу таом номи умумтуркий сўз бўлиб, “қайишиб”, яъни кесилган хамир кетма-кет қозонга солингани учун ҳам шундай номланади.

Воҳада хамирдан энг кўп тайёрланадиган анъанавий таомлардан *барак*, *гўмма* ва *сўмса* алоҳида эътиборга лойиқ ҳисобланади. Хамир ичига гўшт, тухум ёки кўкатлар тугилиб тайёрланадиган *барак* энг тансиқ, сеvimли, анъанавий ва маросимий таом бўлиб, *ушоқ барак*, *юмурта барак*, *қўтир барак*, *кади барак*, *гўк барак*, *ўвуз барак*, *тухум барак* каби турлари ҳозирги кунда ҳам севиб истеъмол қилинади.

Воҳада баракнинг энг кўп ва гўшт қиймаси солиб тайёрланиб, севиб истеъмол қилинадиган тури *ушоқ барак* бўлиб, “кичкина” деган маънони англатади ва унинг шўрвага солиб тайёрланадигани *шўрвага барак*, оқланадигани *қатиқа барак* деб номланади. Қадимий таомлар таркибига кирувчи *юмурта барак* хоразмликлар анъанавий дастурхонининг энг шоҳ таоми ҳисобланиб, ярим ой шаклида тугилади<sup>58</sup>. Юмурта баракнинг ичига қийма солингани *қўтир барак* деб аталади ва қайласига қўй гўшти, думба ёғи қўшилиб, ярим ой шаклида букилади. *Натар барак* учун эса, қўй гўшти ва думбаси солиш шарт эмаслиги, яъни мол гўшти ва ўсимлик мойига товук

<sup>54</sup> Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б. 125;

<sup>55</sup> Васильева Г.П. Преобразование быта и этнические процессы в северном Туркменистане... – С. 242.

<sup>56</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 167.

<sup>57</sup> Оқланган, яъни қатиқ ёки чакида билан аралаштирилган деган маънони англатади. Дала ёзувлари. Қўшқўпир тумани Ҳайробоқ қишлоғи. 2019 йил.

<sup>58</sup> Хоразм воҳаси бўйича номоддий маданий мерос элементларидан *тухум барак* ва *қўтир барак* таомлари ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилган.

тухуми кўшиб тайёрласа ҳам бўлаверади<sup>59</sup>. Баракнинг ичига қовоқ солиб тайёрланадиган тури *кади барак*, беда солиб тайёрланадигани *гўк барак*, янги тукқан сигирнинг биринчи соғилган сутидан *ўвуз барак* ва қовун уруғидан тайёрланадиган тури *тухум барак* деб аталади.

Хоразм воҳасида *гўмма* энг тотли анъанавий таомлардан бири бўлиб, умумтуркий тилга мансуб ва воҳада унинг *ижжон гўмма*, *дўғрама гўмма*, *кади гўмма*, *гўк гўмма*, *печак гўмма*, *олапўта гўмма*, *шўро гўмма*, *қовурилган гўмма*, *тандир гўмма*, *қотишмо гўмма* ҳамда *қурмушгўмма* каби бир қанча турлари мавжуд. Сўмсанинг воҳада *гўит сўмса*, *кади сўмса*, *гўк сўмса* каби турлари тайёрланади. Воҳанинг энг қадимий таомларидан *ёвош* ҳозирги кундаги лаваш билан деярли бир хил бўлиб, юпқа патиричига ловия, кабобва суяқроқ қайла солиб тайёрланади.

Буғдой уни ва буғдой ўсимтаси ширасидан тайёрланадиган *сумалак* тансиқ ва шифобахш таом сифатида истеъмол қилинади ва тахминан уч минг йиллар илгари Ўрта Осиё аҳолиси баҳорни кутиб олиш, деҳқончиликни бошлаш арафасидаги Наврўз байрамида тайёрланган. Анъанавий таом *буламиқ* окжўхори унига сут солиб тайёрланади ва унинг номи XIV асрда эски ўзбек тилида *буламуқ*<sup>60</sup>, қорақалпоқ тилида *быламық*, туркман тилида *буламақ* шаклида қўлланилади, Маҳмуд Қошғарийда *буламоқ*<sup>61</sup>, яъни “аралаштирмақ, кавламоқ” сўзи билан қўлланилган.

Қадимий таомлардан *атала* умумтуркий тилдаги таом номи бўлиб, ҳозирда асосан, чақалоқ туғилганда тайёрланади. Хоразм воҳасида беда билан окжўхори ёки буғдой унидан мавсумий таом *илдирма* тайёрланиши ва у нонга илдириб истеъмол қилингани учун шундай ном билан аталади ва қон босими юқори кишиларга тавсия қилинмаслиги изоҳланди<sup>62</sup>. Хоразмнинг анъанавий таоми бўлмиш *гўжага* қатик ёки айрон кўшиб ичиш, оқланмаган гўжани музлаткичда бир неча кун сақлаш ҳам мумкин бўлган.

Гуручдан тайёрланадиган овқатлар орасида *палов* халқимизнинг “*шоҳ таоми*”и ҳисобланади<sup>63</sup>. Палов номи форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, воҳада сариқ сабзидан ўзига хос услубда тайёрланади ва унинг *палов*, *чалов*, *сузма* каби турлари мавжуд. Хусусан, *сузма палов* гуручи ивителибасосан тўйларда тайёрланиши, юмшоқроқ пишгани учун тез ҳазм бўлиши, *чолов* (Хоразмда *хон палов* ҳам дейишади) эса, янги илик ёғи ва кўй гўшти солиб тайёрланагани учун, унинг истеъмолида меъёрга алоҳида аҳамият бериш кераклиги изоҳланди. *Уй палови* йилнинг ҳамма фаслида бирдек тайёрланиши ва асосан икки хил усулда *ивитма* ва *оддий* қилиб пиширилиши очиб берилди. Шунингдек, воҳада паловнинг *саримсоқ*, *кишмиш*, *беҳи* ёки *шолғом* солиб тайёрланадиган ҳамда *қорин палов*, *товуқ палов*, *зигирик палов*, *ўпка гўштли палов* каби палов турлари ҳам мавжудлиги аниқланди.

<sup>59</sup> Дала ёзувлари. Боғот тумани Бунёдкор маҳалласи. 2019 йил.

<sup>60</sup> Фазилов Э. Староузбекский язык Хорезмские памятники XIV века. – Тошкент, 1966. – С. 275.

<sup>61</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк...Т. III. – Б. 286.

<sup>62</sup> Дала ёзувлари. Кўшкўпир тумани Қатағон қишлоғи. 2020 йил.

<sup>63</sup> 2016 йилда “Палов маданияти ва анъаналари” инсоният номоддий маданий мероси ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатида киритилди.

Воҳада гуручдан тайёрланадиган таомлардан *сутбурунчи* аҳоли томонидан “пайғамбар оши” дея эъзозланади, бу таом таъбга қараб қайла билан, сарёғ билан ҳам истеъмол қилинади.

Хоразм анъанавий таомларидан бири *шавланинг* номи илк бора манбаларда *шолэ*<sup>64</sup> шаклида қўлланилиб, “гуручдан тайёрланадиган таом” эканлиги ва иссиқликни ўзида кўп сақлаб турадиган таом бўлганлиги учун ундан *кам шавла* тайёрланган. *Қорма* таоми маросимий таом сифатида кўни-кўшни, қавму-қариндошга хайр-эҳсон учун, садақа маросимларида, дарвешона, худойи қилинганда тайёрланиши ва тез-тез қорилиб (кавланиб) тайёрлангани учун шу ном билан аталади.

Воҳа аҳолиси дуккакли донлардан *мошова*, *кадили мошова*, *мошкичири* пиширади ва уларнинг тайёрлаш усуллари ажралиб туради.

Ушбу бобда Хоразм воҳасида гўштдан *қуюқ*, *суюқ* ва *яхна таомлар* тайёрланиши кенг ёритилган ва воҳада уларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса, воҳа *кавоби* “қовурилган” деган маънони англатиб, унинг қозон *кабоб*, *сетка кабоб*, *жигар* ва *буйрак кабоб*, *ижжсон кабоб*, *товуқ*, *бедана* ва *балиқ кабоб* каби турлари тайёрланади ва севиб истеъмол қилинади. *Жағир-буғир* таоми тожикча *жигар-бағир* сўзидан олинган бўлиб, кишининг жигари ва буйраги хасталанганда истеъмол қилинадиган шифобахш хусусиятга эга.

Хоразмда гўштдан *суюқ таомлар* – *шўрва қовуриб* ёки *қайнатиб* пиширилиб, Маҳмуд Кошғарий ва Шамсиддин Сомий асарида *чурпа* деб берилган<sup>65</sup>. Воҳада энг кўп тайёрланадиган *осма шўрва* янада мазали бўлиши учун тўпиқ суяк танланиши ва у янги ёпилган патир билан бирга тановул қилиниши алоҳида локал аҳамият касб этади. Тансиқ таомлардан бири *калла шўрва* халқ табобатида инсон бош аъзолари учун фойдали эканлиги, у қонни суйилтириб, терлатганлиги учун аҳоли орасида “*Калла шўрва ичгандек терладинг*” ибораси ишлатилади<sup>66</sup>. Шунингдек, воҳада қиймадан *ижжсон шўрва (тифтели)*, карамга ёки булғор қалампири ичига солиб *дўлма (голубци)* таомлари ҳам тайёрланади.

Хоразмда *яхна тамаддилар* тайёрлашда аҳолининг кўп йиллик тажрибалари мавжуд бўлиб, *қатти қовурдоқ* яхна таоми гўштни узоқ сақлаш мақсадида консерва қилиш усули эканлиги изоҳланган<sup>67</sup>.

Воҳада қўй ва мол сўйилганда тайёрланадиган тансиқ таомлардан бири *қорин*, *тўшва дил* ҳисобланади. Шунингдек, *ижжсон* яхна таоми асосан, қиймадан тайёрланиб, бошқа халқларда деярли учрамайди. Ижжонни хиваликлар жуда маромига етказиб тайёрлашади ва барча меҳмондорчилик тадбири ижжонсиз ўтмайди. Ижжонни татиб кўрмаган одам уни хом гўшт деб ўйласа-да, кўп ишлов бериб тайёрлангани учун хиваликлар уни “*хом эмас пишган эт*” дейишади. Хоразмда илгари гўштдан *қоқ гўшт* ҳам тайёрланиб, бу таом “Девони луғотит турк”да *язуқ эт* деб номланади.

Воҳада балиқ таомларининг ҳам турлари мавжуд бўлиб, *қовурма*, *суюқ*

<sup>64</sup> Худаярова М.Т. Ўзбек тиладиги таом номларининг лингвистик таҳлили... – Б. 26.

<sup>65</sup> Икромова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989. – С. 47.

<sup>66</sup> Дала ёзувлари. Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғи. 2018 йил.

<sup>67</sup> Дала ёзувлари. Хива шаҳар Кумёсқа маҳалласи. 2019 йил.

*шўрва, димлама, кабоб* ва *яхна тамадди* усулларида тайёрланади ҳамда *қоқ* қилиб ҳам истеъмол қилинади. Хусусан, аҳоли таомномасида *сазан, зогора, сувган, лаққа, учарбалиқ, судак, товон балиқ, чўртан балиқ* кабибалиқ турларидан<sup>68</sup> *қовурма балиқ, балиқ увилдириқ, димлама балиқ, қорма балиқ* таомлари маҳорат билан тайёрланиши аниқланди.

Илгари халқ табобатида *сувган, сазан* балиқларидан таом буюрилгани, хусусан, *сазан балиқ шўрваси* жигари оғрийдиган беморлар учун шифо бўлса, *сувган* шўрваси организмга дармон берган ва кўзқувватини оширган<sup>69</sup>. Бундан ташқари, воҳада *товуқ* ва унинг тухумидан тайёрланадиган *қайнатилган, қовурилган, сарёгда димланган, сеткада пиширилган, кабоб қилинган* таомларнинг ҳам турли усуллари мавжуд.

Сутли суюқ ошларга *сутоши, сутли атала, оғиз оши, қатиқли гўжса оши, қатиқли мошхўрда, чолоплар, сутли куюқ* таомларга эса *сутбурунчи* ва *қатиқ* билан оқланган гуручли таом киради.

Хоразмқлими куруқ ва иссиқлиги учун ёзда аҳолиасосан *кўк чой* ва хар хил мевалардан *шарбатлар* ичиши, шарбатлардан *ўрик, ўрик қоқи, шотут, анор, узум, олма, тарвуз, сабзи, лавлаги шарбатлари* кўп истеъмол қилинган.

Қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлашда воҳа аҳолисининг ўзига хос локал тажрибалари мавжуд бўлиб, қадимдан қандолатчилар томонидан *нуқул, печак, пешмак, нишола, ҳолва, лабзина, новвот, мураббо, шинни, пақлама, қуштиликаби* ширинлик ва пишириқлар моҳирона тарзда тайёрланган<sup>70</sup>. Баъзи қандолатчилик маҳсулотлари маросимий ширинлик сифатида ҳам ишлатилади. Масалан, *нуқул, печак, пешмак, лабзина* ва *нишола* асосан рамазон ойида харид қилинса, *ҳолвайтар* марака маросимларива диний тадбирларда истеъмол қилинади, *новвот* кундалик таомномада энг кўп истеъмол қилинадихамда тўй ва маросимларнинг асосий ширинлик тури ҳисобланади. Хива туманида анъанавий пишириқлардан *пақлама* ва *қуштилибўлиб*, *пақлама* юпқа ёйилган етти қават хамирга мижана (ўрик данаги мағзи) солиб, устига асал ёки қиём кўйиб тайёрланган, Кўшкўпир ва Шовотда *қуштили*, “барака ва ширин ҳаёт рамзи” ҳисобланган.

Учинчи боб “*Анъанавий овқатланишда экологик хусусиятлар ва озуқа маҳсулотларини сақлашга оид тажрибалар*” деб номланиб, унда анъанавий овқатланишда экологик хусусиятлар, воҳада етиштириладиган деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлари, уларнинг турлари ва шифолик хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, воҳада таом тайёрлаш ва тортиш билан боғлиқ уй-рўзғор анжомлари ҳамда озуқа маҳсулотларини сақлашга доир тажрибалар таҳлил қилинган.

<sup>68</sup> Хоразмликлар қадимдан севиб истеъмол қиладиган ва манбаларда жуда мазали деб таърифланадиган *сувган* номли балиқ тури ҳозирда кам учрайди. Дала ёзувлари. Боғот тумани Ғалаба маҳалласи. 2019 йил.

<sup>69</sup> Дала ёзувлари. Шовот тумани Дўстлик маҳалласи. 2019 йил.

<sup>70</sup> *ҳолва* ва *талқон* номи учрайди (Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк... Т.І. – Б. 412); Уч пуд нуқл, печак, ярим пуд бодом мағизи, ун бир пуд канд, икки пуд новвот, нишола, мураббо учун турт пуд канд, пули бир юз йигирма уч тилло (XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. – Тошкент, 1960. – Б. 47); Мухаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундаликлари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 147-150; Исмоил Мирпанжи. Асирликдаги хотиралар. – Урганч: Хоразм, 1997. – Б. 61.

Хусусан, Хазорасп туманида етиштириладиган *олма* меваси, унинг оқ, кўк, қизил, пушти, сариқ заъфарон рангли *карвак олма (Хазорасп)*, *беш юлдуз*, *қизил олма* навлари ХХ аср бошида кўпроқ истеъмол қилингани, ХХ аср ўрталаридан бошлаб эса, *ренет семирено*, *бельфлер китайка*, *красный железняк*, *розмарин* навлари кенг етиштирила бошлангани боғдорчиликнинг овқатланишдаги ўрнини кўрсатади<sup>71</sup>. Шунингдек, олмага магик хусусиятга эга бўлган мева деб ҳам қаралади ва у ҳақда кўплаб афсона, ривоят ва халқ дostonларида<sup>72</sup> маълумотлар учрайди. Воҳада узумнинг асосан *хусайни*, *тоифи*, *қора кишмиш*, *оқ кишмиш*, *маска* ва *хирмони* каби навлари етиштирилиши ҳамда тармева, кишмиш, майиз, шарбат, кампот, сирка шаклида севиб истеъмол қилиниши билан бирга, турли хил даво воситаси сифатида ҳам фойдаланилиши изоҳлаб берилди<sup>73</sup>.

Воҳада *бейи* деб аталувчи беҳи меваси *тармева*, *дўлма*, *мураббо*, *кампот* сифатида истеъмол қилиниши, шунингдек уни *паловга* солиб пишириш кенг тарқалгани ва бу палов бироз юмшоқроқ бўлгани учун кексалар уни хуш кўриши аниқланди. Воҳада беҳидан қаттиқ йўтални ҳамда камқонликни даволашда фойдаланилади<sup>74</sup>. Нокнинг *нашўти* ва *олмурут* деб аталадиган турлари бўлиб, воҳада баъзи деҳқонлар уни беҳига пайвандлашади ва натижада беҳидан юмшоқ, таъми ҳам ўзгача мева ҳосил бўлиб, қиш давомида яхши сақланади. Шу билан бирга, нок меваси қабзиятда жуда фойдали эканлиги дала ёзувлари асосида очиб берилди<sup>75</sup>.

Тинчлантирувчи таъсири билан бирга, назардан сақловчи восита сифатида воҳада *илиштирик* (қизил рангли *дўлана*) меваси етиштирилган ва уйнинг киравериш қисми, тандир ёнига экилган, шохчаларини уй эшигининг тепаси ва болаларнинг кийимига тумор қилиб осиб қўйилган<sup>76</sup>. *Ийда* деб юритиладиган *жийда* меваси *икда* ва *игида* тарзида ҳам қўлланилади. Суннат тўйларида қишлоқнинг ёш йигитлари тўй хонадонига кесиб, япроқлардан тозаланган жийда шохларидан “чаман” келтириши, жийда серҳосил мева бўлиб, воҳада энг кўп етиштирилиши ва уни йил бўйи сақлаш ва истеъмол қилиш мумкинлиги, баҳорда оиланинг энг кекса аъзоси далага уруғдан олдин жийда сепгани ва бу удум унинг серҳосиллиги билан боғлиқлиги аниқланди.

Хоразмда *арик* деб аталувчи ўрик мевасидан *тармева* сифатида, шунингдек, *кампот*, *шарбат*, *дамлама* ва *мураббо*, мағзидан *ҳолва* ва *нуқул* тайёрланади. Ўрик қуритиб туршак ҳолида ҳам истеъмол қилинади ва баъзилар уни *уноши*, *шавлага* солиб ейишни хуш кўрадилар. Воҳада шафтолининг *туйлишафтоли*, *шалили*, *оқ* ва *сарик шафтоли*, *анжир шафтоли* каби турлари, *оли* деб аталувчи олхўримевасининг *қораоли (тўқ сафсар)*, *танасгул (қизилсултон ёки қизғиш)*, *кўкиш (кўксултон)* каби турлари диссертацияда келтирилди ҳамда халқ табобатидаги даволовчи хусусиятлари очиб берилди.

<sup>71</sup> Дала ёзувлари. Хазорасп тумани Карвак қишлоғи. 2018 йил.

<sup>72</sup> Рўзимбоев С., Собирова Н. “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001. – Б. 13.

<sup>73</sup> Дала ёзувлари. Хазорасп тумани Оқ майдон маҳалласи. 2019 йил.

<sup>74</sup> Дала ёзувлари. Урганч шаҳар Наврўз маҳалласи. 2019 йил.

<sup>75</sup> Дала ёзувлари. Урганч шаҳар 3-даха 27 уй 13-хонадон. 2020 йил.

<sup>76</sup> Дала ёзувлари. Кўшкўпир тумани Қатағон қишлоғи. 2019 йил.

Анор “Авесто”даги Анахитанинг атрибути бўлиб<sup>77</sup>, “Қуръон”да қадрли мевалар қаторида келтирилади<sup>78</sup>, халқ кўшиқларида ҳам анор ҳар доим олма билан ёнма-ён тилга олинади<sup>79</sup>. *Анор* меваси яхши сақланиши, *тармева*, *шарбат* сифатида истеъмол қилиниши, ширин анор ични тозалаш, нордони меъда касалликлари, иситмада фойда бериши, анор пўстидан (қайнатиб) ичкетарда ва қорин оғриғида фойдаланилиши аниқланди<sup>80</sup>. Хоразм воҳасида асосан, *сарик анжир* етиштирилиши ва *тармева* сифатида, *мураббо* қилиб, қуритиб *қоқ* қилиб истеъмол қилиниши ёритилди. Шу билан бирга, воҳада анжир мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатма йўтал, кўкйўтал, ларингит ва бронхитларни даволашда ҳамда шамоллаганда терлатиш, ҳароратни пасайтириш учун ишлатилиши, айниқса, қайнатилган сутга анжир қоқи солиб ичилса йўтални тўхтатиши дала ёзувлари асосида аниқланди<sup>81</sup>.

Воҳада тутнинг *оқ тут* (*балиқ тут* ёки *балқи тут* номи билан ҳам ишлатилади) ва *шотут* (аҳоли орасида уни *шолтут* деб ҳам аташади) каби турлари истеъмол қилиниши, унинг етилиб пишган, сершира мевалари *янги узилгани* ва *қуритилгани* (*тут майизи*) бирдек фойдали бўлганлиги учун кенг истеъмол қилиниши асослаб берилди.

Хоразмда *пиёз* ҳамда *гашир* деб аталувчи *сабзи* воҳа ошхонасининг кўплаб таомларида, айниқса, паловга ишлатилади. Диссертацияда ахборотчилар юқори нафас йўллариининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган йўталда сабзи шарбати билан асал кўшиб ичиш (кечки пайт, чунки киздиради), ёки сабзи шарбатига сут кўшиб ичиш (кундуз куни ичса ҳам бўлаверади) яхши самара беришини таъкидладилар. Шунингдек, жиғилдон қайнаганда *сабзи* ейиш, бўй ўстириш учун *сабзи шарбати* ичиш фойда бериши<sup>82</sup>, *пиёз*нинг ниш уриб чиққанини воҳада *нуштиёз* деб аталиши ва у боланинг тиши чиқаётганда фойда бериши дала ёзувлари асосида<sup>83</sup> асослаб берилди. Пиёз суви соч тўкилганда, бурун қонаганда, бурун битганда, бодомча безларининг яллиғланишида (ангина) ва нафас йўллари шамоллаганида фойдали эканлиги аниқланди.

Хоразмда *лавлаги* баъзи овқатларга кўшиб пиширилади, кўрга кўмиб, қайнатиб ва димлаб истеъмол қилинади, салатларга кўшилади, ундан *шинни* тайёрланади, у қонни кўпайтириб, қон босимини бир меъёрда тутиб туриш хусусиятига эга<sup>84</sup>. *Шолгом* асосан, шўрваларга кўшиб, димлаб пиширилади, яхна ҳолатда истеъмол қилинади ва шамоллашга қарши энг кучли восита ҳисобланади. *Турп* воҳада асосан, хомлигича, тўғраб, қирғичдан чиқариб, устига сирка сепилган ҳолда ёки салатларга кўшиб серёғ, сергўшт овқатлар

<sup>77</sup> Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.. – С. 198.

<sup>78</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент Ислом университети, 2001. – Б. 146.

<sup>79</sup> Рўзимбоев С., Собирова Н. “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001. – Б. 14.

<sup>80</sup> Дала ёзувлари. Гурлан тумани Вазир қишлоғи. 2020 йил.

<sup>81</sup> Дала ёзувлари. Гурлан тумани Ҳизир-эли қишлоғи. 2018 йил.

<sup>82</sup> Дала ёзувлари. Янгибозор тумани Намуна қишлоғи. 2020 йил.

<sup>83</sup> Дала ёзувлари. Хива тумани Шихлар маҳалласи. 2018 йил.

<sup>84</sup> Дала ёзувлари. Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғи. 2018 йил.

билан тановвул этилади. Турпнинг ичи ўйиб асал солиб, эрталаб суви оч коринга ичилса, балғам кўчириш хусусиятига эга<sup>85</sup>.

Хоразм воҳасида қовуннинг турли хил навлари мавжуд бўлиб, улар *хандалаклар, юмшоқ этли ёзги* навлар, *қаттиқ этли ёзги* навлар, *кузги-қишки* навлар ҳисобланиши, республикадан қовуннинг *Бешак, Шакарпора, Гулоби, Заргулоби, Лаззатли, Олахамма* каби навлари экспорт қилиниши (чунки улар қаттиқ этли қовунлар) диссертацияда кенг ёритилган. Шунингдек, Хоразмда *харуз* деб аталувчи тарвузнинг *қора тарвуз* ва *ола тарвуз* каби турлари етиштирилиши ёритилган. Хоразмда *кади* ёки *қовоқ* деб аталувчи ошқовоқнинг *бол кади, салла кади, палов кади* каби турлари сувда, сутда, қайнатиб, буғлаб, димлаб истеъмол қилиниши, суюқ ва қуюқ овқатларга қўшилиши, айниқса уни яхна ҳолда ҳамда *барак, сўмса, гўмма, димлама, нон* ва *шўрвага* қўшиб тайёрланиши кенг ёритилган. Тадқиқотда савдо алоқалари, миграцион жараёнлар натижасида рус ошхонасидан *картошка, карам, помидор, булғор қалампир* кириб келганлиги ва яхши ўзлаштирилганлиги асосланган.

Зираворва ошкўклардан ҳам воҳа ошхонасида кенг фойдаланилади. Хусусан, Хоразмда *зийра*(зира)дан *гўшт қийма*, қуюқ таомлар ва кабоб сиркалашда ишлатилиши қайд қилинган. Масалан, зирани тузга аралаштириб, гўштга сепиб қўйилса бир ҳафтагача айнимаслиги, воҳада уни “*табиий музлатгич*”<sup>86</sup> деб аталиши ва фойдали хусусиятлари асослаб берилган.

Хоразмда *ажжи бурч*нинг (Тошкентда *гармдори*, яъни “иситувчи дори” деб аташади) *чучук* ва *ўткир* турлари мавжуд. *Чучук қалампир* одатда сабзавот сифатида турли таом ва салатлар, консервалар, димланиб пишириладиган парҳез таомлар тайёрлашда, *ўткир қалампир*дан ревматизм, радикулит каби хасталикларни даволашда фойдаланилади. Хоразмда *бурч*<sup>87</sup> деб аталувчи *мурч* мевасининг юмалоқ эти билан қуритилгани *қора бурч* деб аталади ва сабзавотларни сиркалашда, карам ва помидор тузлашда ишлатилади. Эtidан ажратиб туйиб элаки қилингани эса *оқ мурч* деб аталади ва *салат, яхна балиқ, суюқ ош, шўрваларга* ва жуда кўп қуюқ таомларга сепиб дастурхонга тортилади, *қиймаларга* қўшилади.

*Заъфарон* таркибида кучли ифор мойи бўлганлигидан ҳиди жуда ўткир бўлиб, илгари *мурабболарга, паловга* ҳам қўшилган, пичоқ учиди *чойга* солиб дамлаб асал ё новвот билан ичилган. Хоразм воҳаси аёлларининг кўпчилиги зафарон туғруқ яқинлашиб, дарди бошланган аёлларга жуда фойда беришини таъкидлашди<sup>88</sup>. Хоразмда *арнаводён* деб аталувчи *арнабодиён* ҳам чойга солиб дамлаб ичилиши ва бу чой янги тукқан аёлга ичирилиши, чунки у боланинг ҳам, онанинг ҳам ичини дам қилмаслиги ва уни аёллар бутун эмизикли давр мобайнида ичиши мумкин<sup>89</sup> лиги ёритилди.

<sup>85</sup> Дала ёзувлари. Хива шаҳар Кўхна Арк маҳалласи. 2020 йил.

<sup>86</sup> Дала ёзувлари. Урганч шаҳар 3-даҳа 35-уй 24 хонадон. 2020 йил.

<sup>87</sup> XIX аср Хива давлат ҳужжатлари (М.Й.Йўлдошев таҳрири остида). – Т.: ЎзССРФА, 1960. – Б. 54.

<sup>88</sup> Дала ёзувлари. Хива шаҳар Каптархона маҳалласи ва Хива туман Шихлар маҳалласи. 2018-2019 йиллар.

<sup>89</sup> Дала ёзувлари. Гурлан тумани Вазир қишлоғи. 2020 йил.

Хоразмда *гўк*, *йўринжа* деб аталувчи *бедадан илдирма*, *гўк сўмса*, *гўк барак*, *гўк гўмма* тайёрланади, бироқ қон босими юқори бўлган кишилар улардан кам миқдорда истеъмол қилишлари зарур. *Исмалоқдан эса*, *сўмса*, *барак*, *гўмма* пиширилади, лекин *илдирма* тайёрланмайди. Шунингдек, *шўра* ёки *оланўта* янги кўкариб чиққанда кўк қиймага кўшилади. *Отқулоқ* эса, ёш барра ўт бўлиб, гўк ёш сифатида ҳам қўлланилади. *Семизўт*ни эса, гулламасдан ва уруғламасдан олдин танаси билан барглари териб олинади, киймаланади, *ёгли шўрва*да қайнатилади.

Хоразмда *шивит* деб аталувчи *укропдан шивитоши* таоми тайёрланади, *кўкатли сўмса* ва *чучваралар* тайёрлашда бошқа кўкатлар билан бирга қўлланилади. Яна воҳада *йилвўй* ва *райҳондан* ҳам кенг фойдаланилади. Йилвўй одатда, чойга солиб ичилса, райҳон, айрон ва суюқ шўрваларга солинади. *Райҳон* сўзи арабча, “вужуди хушбўй ўсимлик” маъносини, форсча, *исфаран* яъни, “доимий қувонч” маъносини англатади. Йилвўй ва райҳон мева қоқиларини ҳашаротлар зарарлашидан химоя қилади. *Кийик ўт*нинг маданийлаштирилгани *жамбул* деб аталиб, асосан янгилигида ёки қуритиб чойдамлаб ичилиб, қон босимини туширувчи, пешоб ҳайдовчи шифобахш хусусиятга эга<sup>90</sup>.

Таом тайёрлаш ва тортиш билан боғлиқ уй-рўзғор анжомлари ҳамда улар билан боғлиқ ирим-сиримлардан воҳада биринчи марта тандир қурилганда, аёллар томонидан *шўр патир* ёпилиши ва бу одатҳозиргача давом этиши аниқланди. Нон ёпиш учун ишлатиладиган *супра*, *енгса* (*енглик*), *рапида*, *тикач* (*чакич*), *йўғич* (*жўва* ёки *кичик ўқлов*) каби анжомлар алоҳида ўраб қўйилган ва тандир оғзи ҳам “баракаси кетмасин”, деб ёпиб қўйилган. Хоразм воҳасида нафақат тандир, балки ўчоқ ва унинг кули ҳам авайланган. Хусусан на оловга, на кулга сув сепилмаган. Ўтга сув сепиш олов культи билан боғлиқ жиҳат бўлса, кулга сув сепмаслик ҳам жинлардан сақланиш маъносидадир. Хоразм воҳаси халқ кўшиқларида ҳам ўчоқ, ўт, кул каби олов культи билан боғлиқ атамалар учрайди<sup>91</sup>.

Диссертацияда *қозон*, *товоқ*, *қошиқ*, *чўмич* (ёки *сусоқ* деб аталади), *қозон қопқоғи* (*дуоқ* деб ҳам аталади), *лаган*, *ўқлов*, *чўлпи*, *оштахта*, *сон* ва *куби*, *қумғон*, *силопча*, *чойнак*, *коса*, *пиёла*, *куза*, *хумкаби* ошхона анжомлари ёритилган. Ошхона ва рўзғорда ишлатиладиган асбоб-анжомлар воҳада нафақат таом тайёрлаш ва тортишда ишлатилган, балки уларга ҳомий предмет сифатида ҳам қаралган.

Хоразм воҳаси кескин континентал ҳудудда жойлашганлиги туфайли киши қаттиқ совуқ, ёзи жуда ҳам иссиқ бўлгани учун қадимдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор бериб келинган. Айниқса, озуқа маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг энг қадимги усулларида *тузлаш*, *ачитиш*, *сиркалаш*, *консервалаш*, *кўмиб* ёки *осиб сақлаш*, *қоқи қилиш*, *қуритиш* кенг қўлланилиши, воҳада озиқ-овқат сақлаш учун махсус салқин хона— *талакдан* фойдаланилганлиги кенг

<sup>90</sup> Дала ёзувлари. Урганч шаҳар Паҳлавон Маҳмуд кўчаси. 2018 йил.

<sup>91</sup> Рўзимбаев С., Собирова Н. “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001. – Б. 10.

ёритилган. Масалан, Хива туманида илгари меваларни қуритишда чўлда ўсадиган *шuvoқ* ўсимлигидан фойдаланилган, бироқ ҳозирда бу ўсимлик камайиб кетганлиги учун *анжир япроғидан* унумли фойдаланилади ва у *ажжизга босиб қуритиш* деб аталади.

Айниқса, гўшт сақлашнинг воҳа иқлимига қараб, бир неча тури бўлганлиги ва улар ичида энг кўп тарқалгани *гўштни ўз ёғига қовуриш* ва *қуритиб қоқ қилиш* ҳисобланган. *Гўштни қоқ қилиш*нинг ҳам турли усуллари бўлиб, бунинг учун чорва гўшти бўлақларга бўлиниб тузланган ва куёшда қуритилган, гўштнинг ёғли қисмлари эса эритилган. *Гўштни хомлигича сақлаш* учун яхшилаб *тузлаб*, *қотириб* махсус қазилган ертўлаларда сақланган. Воҳада сут ва сут маҳсулотлариқулоқли (оғзи сирланган) кўзада ерга кўмиб сақланган.

Тўртинчи боб “*Хоразм воҳасининг маросимий таомлари ва таомланиш этикети билан боғлиқ анъаналар*” деб номланади. Унда воҳада халқ сайллари, оилавий ва диний маросимларида тайёрланадиган анъанавий таомлар ҳамда таомланиш билан боғлиқ этикет анъаналари таҳлилга тортилган.

Хоразм воҳасида “*Вахшангом*”<sup>\*</sup> байрами, “*Қизил гул*”, “*Олма отиш*” каби маросимларнинг тарихи, унда бажариладиган урф-одатлар, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлари алоҳида маҳаллий хусусият касб этганлиги билан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Масалан, узум пишган вақтда байрамлар ўтказилган<sup>92</sup> лиги Хоразм, Каттақўрғон ва Термиз атрофларида топилган археологик манбаларда келтирилган<sup>93</sup>. Шунингдек, воҳа деҳқончилигида хирмон йиғиб олиниб, ундан биринчи нон ёпилганда мол сўйиб “хирмон тўйи” маросими ўтказилган ва *бўғирсоқ*, *палов*, *шўрва* тайёрланган. Йиғилган хирмондан эса, одамлар бошқаларга “кавсан”, яъни улуш берганлар ва бу одат инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, мурувват, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби алоқаларни мустаҳкамлаган.

Ўрта Осиё халқлари орасида энг кенг тарқалган одат бу – *бўғирсоқ пишириш* (воҳада баъзан *ис чиқариш* дейилади) бўлиб, ҳайитдан бир кун олдинги арафа куни, шунингдек, оилада бирор нохушлик ёки фалокат, беморлик бўлса, ёмон туш кўрганда, оилада кимнидир иши юришмаса, бирор янги иш бошлашдан олдин ва шунга ўхшаш сабаблар мавжуд бўлса, аёллар томонидан тайёрланиб, кўни-қўшниларга тарқатилган.

Хоразмда дафн маросимларида тайёрланадиган ва истеъмол қилиш таъқиқланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиб, уч кунгача марҳум чиққан хонадонда овқат пиширилмайди. Шу туфайли, таъзияга келган қариндошлар, кўни-қўшни ва яқин дўстлар ўзлари билан уй эгаларига турли хил егуликлар

\* Абу Райхон Беруний маълумотларига кўра, хоразмликларда Испондорможи ойининг 1-куни “Вахшангом” деб аталувчи ҳайит бўлиб, у Вахш, Жайхун сувига бағишланган. Бу куни одамлар Жайхун дарёсига бориб чўмилишган. Беруний буодат эронликларда ҳам бўлиб, Омул аҳолиси шу куни Хазар (Каспий) денгизига бориб, кун бўйи сувга тушишганини келтиради. Қаранг: Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар...1-том. – Б. 260, 282.

<sup>92</sup> Қадимги юнонликларнинг “Дионисия”, римликларнинг “Виналия” байрамига ўхшаш.

<sup>93</sup> Қорабаев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – Б. 19.

олиб келишади. Урганчда майит чиққан куни еттита, эртасидан бошлаб биттадан камайтириб пўссиқ тайёрланади ва унинг хамирини етти кун мобайнида ҳам фақат бир киши қориши керак бўлади. Шунингдек, Хоразм воҳасида таъзия маросимларида *ҳолвайтар* ҳам пиширилади.

Шунингдек, воҳааҳолисинингтўй ва оилавий тадбирларида тайёрланадиган таомлар орасида оилада фарзанд туғилганда “гўз ойдин”(суюнчи) маросими ўтказилиши ва келган меҳмонларга *тухум* қовуриб меҳмон қилиниши, чақалоқ туғилгандан кейин бешинчи кунида “боланинг умри узоқ бўлсин” деб *уноши* пишириб, қўни-қўшниларга тарқатилиши, *бўғирсоқ* пиширилиб болаларга ва қўшниларга улашиш, бешик устидан *ширинликлар* сочилишидан тортиб, ёстиғи тагига бир бўлак *нон* қўйилиши, буларнинг барчаси воҳа аҳолисининг маҳаллий одатлари ҳисобланиши ёритилган.

Хоразм воҳасида энг кенг тарқалган одатлардан бола юра бошлаганда унинг оёқлари орасидан янги ёпилган кичкина кулча *нон* – *одим чўрак* юмалатилади ва қўшни болаларга тарқатилади<sup>94</sup>.

Хоразм воҳасидаги никоҳ тўйларида совчилар ўзлари билан оқ матодан қилинган дастурхонга иккита ёки тўртта *нон*, *ширинликлар* (асосан *оқ қанд* ва *новвот*) солиб борадилар. Ҳар қандай тўй маросимларининг боши *нон* ёпишдан бошланади ва бу маросим “нон ёпар” деб номланади. Хоразмда “потия тўй” (фотиҳа) маросими учун куёв томон *қатлама* пиширади, *нон* ва *патир* ёпади ҳамда қариндош-уруғларини йиғиб келинникига олиб боради.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ потия тўй ва никоҳ куни ўтказиладиган расм-русумлар пайтида иккала хонадонда ҳам қудалар учун тортиладиган биринчи таом сифатида озроқ *сарёғ солинган сут* ёки *қатиқ* ҳисобланади. Чунки, сут ва қатиқ оқлик, яъни поклик ва ҳалоллик саналса, сариёғ юмшоқлик, майинлик ҳисобланади. Воҳанинг кўпгина туманларида “потия тўй”, “гуёв гўрар” ва “қудо донишмо” маросимларида *сутбурунчи* таоми тортилади.

Хоразмда никоҳ тўйи куни эрталабдан эркаклар *паловнинг* ҳаракатига тушишиб, ҳар иккала хонадонда бир вақтда элга ош берилади. Урганч шаҳрида келин томондан куёвга атаб тоғорада *тўш* пиширилиб келтирилади. Бундан ташқари, куёв ва унинг жўраларига атаб чойхалталар тайёрланади ва унинг ичига *товуқ тухуми* ва турли хилдаги *ширинликлар* солинган бўлади. Хива шаҳрида никоҳ тўйи куни “*таха ташар*” маросимида келин куёвларга ҳаётлари “новвотдай ширин бўлсин”, деб *новвотли сув* ичиришади.

